

Эй, улуғ Ўзбекистоннинг навқирон авлоди! Сизнинг бу ҳаётда орзу - интилишингиз, кўзлаган мақсадингиз, қиладиган ишларингиз кўп. Лекин, ҳеч қачон унутмангки, сизнинг энг буюк, энг муқаддас вазифадингиз — юртимиз истиқлолини, халқимиз эрку озодлигини кўз қорачиғидай асраш, унинг хавфсизлигини ҳимоялашдир.

Президент Ислам КАРИМОВнинг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзидан.

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
6 - 12 сентябрь № 34 (150)

ХУҚУҚ

МУСТАҚИЛЛИК ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕССИЯСИДА

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ УЧИНЧИ СЕССИЯСИ

30 август кuni Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси учинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига, барча мамлакатларнинг парламентларига, жаҳоннинг тараққиёлпарвар жамоатчилигига мурожаатномасини қабул қилди.

Парламент «Жалолиддин Мангуберди» орденини таъсис этди. У билан Ватан сарҳадларини, она юртимиз тупрогини, мамлакатимиз мустақиллигини ва уни кўз қорачиғидек асрашда юксак ҳарбий маҳорат, қаҳрамонлик ва жасорат намунасини кўрсатган, давлатимизнинг муҳофаза қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган кўмондонлик таркибига кирувчи ҳарбий хизматчилар тақдирланади.

Мазкур масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов сўзга чиқди.

Сессияда «Бюджет тизими тўғрисида»ги, «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Қонулар лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Судлар тўғрисида»ги қонун лойиҳалари депутатлар муҳокамасидан сўнг биринчи ўқишда маъқулланди ва бу қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига тақдим этилди.

31 август кuni Сессия ўз ишини давом эттирди.

Сессияда «Кишлоқ ҳўжалиги ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Радиациявий хавфсизлик тўғрисида»ги қонун лойиҳалари юзасидан маърузалар тингланиб, депутатлар томонидан муҳокама қилинди. Парламент бу қонун лойиҳаларини тасдиқлади.

Депутатлар «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаб, уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди. Шунингдек Парламент «Психиатрия ёрдами тўғрисида»ги қонун лойиҳасини муҳокамадан сўнг қабул қилди.

Сессияда айрим қонунчилик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ЧОРШАНБАДАН

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жалолиддин Мангуберди орденини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

29 август кuni Тошкент-Ўш автомобиль йўлининг мамлакатимиз халқ ҳўжалиги, бугунги ва келажак тараққиётимиз учун энг муҳим участкаси - Қамчиқ ва Рёзак тоғ доволари тагидан ўтган туннеллар тантанали суратда очилди.

Республикаимиз таълим даргоҳларида янги олий ўқув йили бошланди. Илк дарслар эса Мустақиллик дарслари бўлди.

2 сентябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов янгидан қурилиб фойдаланишга топширилган билим масканларидан бири — Тошкент шаҳар қурилиш ва миллий ҳўнармандлик коллежининг очилиш маросимига иштирок этди.

ЧОРШАНБАГАЧА

РЕСПУБЛИКА ПРОКУРАТУРАСИДА

Республикаимизнинг барча шаҳар ва кишлоқларида Мустақиллиқнинг 9 йиллиги энг улуғ, энг азиз байрам сифатида тантана қилинди. Худда шундай тантана 31 август кuni республика прокуратурасида ҳам бўлиб ўтди.

Қайта таъмирлашдан сўнг бутунлай янги ва фусункор қиёфа касб этган Республика прокуратураси Марказий маҳкамаси биносининг мажлислар зали прокуратура ходимлари, меҳнат фахрийлари билан гавжум бўлди. Мустақиллиқнинг 9 йиллигига бағишланган байрам йиғилишида Республика Бош прокурори Рашид Қодиров нутқ сўзлаб, барча йиғилганларни қутлуғ сана билан табриклади.

— Йиллар ўтган сайин мустақиллиқнинг қадрини чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Тарихан қисқа давр ичида мамлакатимиз улкан тараққиёт йўлини босиб ўтди, — деди Бош прокурор ўз нутқида. — Бугунги кунга келиб Ўзбекистонни бутун дунё таниди.

Ихтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда.

Мустақиллиқни мустаҳкамлаш, уни ёмон кўзлардан асраш, бутун куч-иродамиз билан ҳимоя қилиш барчамизнинг асосий вазифамиз бўлиб қолди. Ватанимиз тинчлигини бузишга бўлган уришлар, экстремистик ва террорчилик ҳаракатлари халқимизнинг нафратини уйғотди ва ҳар биримизни огоҳликка чорлади. Террорчи тўдаларнинг ёвуз мақсади — халқнинг осойишта ҳаётини издан чиқариш, бизга қурол билан таҳдид ўтказиш ва олдимизга қўйган вазифалардан қалгитишдан иборат. Халқимиз ҳеч қачон

УЛУҒ КУН ШУКУҲИ

уларга эргашмайди ва бундай ёвуз кучларга қарши кескин зарба беришга куч-қудратимиз етади.

Хуқуқ-тартиботни, қонунчиликни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши мурасиз курашда прокуратура идоралари ходимлари фидойийлик намунасини кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, деб бемалол айта оламиз. Қонун устиворлигини таъминлаш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимизга айланди. Эндликда халқ орасида прокурорлар қораловчи, қамовчи шахс эмас, балки инсон ҳуқуқларининг ҳимоячиси деган тушунча-фикр шаклланиб бормоқда.

Хуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, шу жумладан прокуратураимиз ходимлари фаолияти ҳамиша эл нигоҳида бўлиб келмоқда. Президентимиз, ҳукуматимиз бу соҳа ходимлари меҳнатига доимо катта эътибор билан қарамоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига биноан Ватанимиз мустақиллигининг тўққиз йил-

лиги муносабати билан хуқуқни муҳофаза қилиш органлари, жумладан прокуратура ходимларидан бир гуруҳи давлат мукофотлари билан тақдирланганлиги шундан шаҳодат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, барча мукофотланган ҳамкасбларимизни ана шу юксак мукофотлар билан табриклайман. Барчангизга хуқуқни муҳофаза қилиш, осойишталик ва тинчлик йўлидаги ишларингизда каттадан-катта муваффақиятлар тилайман.

Шундан сўнг Республика Бош прокурорининг буйруғи билан меҳнатда ўрнат қўрсатган, ўз хизмат вазифасини виждонан бажарётган прокуратура ходимларининг бир гуруҳига қимматбаҳо совғалар, шунингдек фахрий ёрлиқлар топширилди.

Б. НАЗАРОВ



Мустақиллик кuni байрамидан лавҳалар.

Р. ШАРИПОВ суратлари

ХУКУК

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:**А.АБДУРАЗЗОҚОВ****Таҳрир ҳайъати:**

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи - 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Фуломов
кўчаси, 66-уй.

Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятта келган кўл ёзма
ва суратлар эгаларига
қайтариб берилади.
Муаллифларнинг фикрлари
таҳририят фикридан
фарқланishi мумкин. Газетада
нашрланган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Хукук»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.

Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси остида
чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютерда саҳифаланди.
Саҳифаловчи Б. САИДОВ.
«Хукук» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
басмаҳонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Булок Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 852
Нусхаси — 13929

Басмаҳонага топшириш
вакоти 20.00

Басмаҳонага
топширилди 19.30

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Д. ХАЛИЛОВ

Навбатчи: Н. МАХМУДОВ

Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

МУКОФОТ СОҲИБИ «ХУКУК» МЕҲМОНИ**«БАХТ ҲАР КИМНИНГ ЎЗ ҚЎЛИДА»**

ДЕЙДИ ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ АРАФАСИДА ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ «ШУҲРАТ»
МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНГАН ТОЖИХОН ШЕРИҚУЛОВА

Тожихоннинг иш столи четларида, дераза тоқчаларида гулдонларга солинган ранго - ранг гулдасталар хонага ўзгача файзу тароват бахш этган. Ҳамкасбларнинг самимий кутловлари ҳамон қулоқлари остида жаранглаётгандай, қалбини лиммо-лим тўлдирган қувонч хечрасида балқийди. Ҳар замонда телефон жириглаб, дўстлари уни табриклашди. Ҳамкасбларидан бири уни аввал табриклаб, иш юзасидан амлаҳат сўради. Тожихон жиддийлашиб, фикр-мулоҳазаларини айтди. Одатдан ташқари иш кўни охириламқода эди...

У билан илк бор беш-олти йилча аввал, Фаргона шаҳар прокуратурининг ўринбосари бўлиб ишлаётганида гаплаган эдим. Тожихон маҳалла фуқаролар йиғинларида муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича текшириш якунларини сўзлаб берган, мақолада бу борадаги қонуниётликлари бартараф этиш тўғрисидаги чора-тадбирларга ургў беришни алоҳида таъкидлаган эди...

- Нега айнан шу қасбни танлагансиз?

- Уйимиз туман прокуратураси ёнида, туман прокурори қўшимчиси эди, - деб эслайди Тожихон. - Абдуваҳоб опоқдадам у киши билан салом-алиқ қилиб юрар, одамгарчилик, ҳушфайлиги учун бўлса керак, жуда ҳурмат қилар эди. Ҳа, кишига ҳава қилганиданми, «яхши ўқисанг, сен ҳам прокурор бўласан», деб ўғит бериб турарди. Шу гапларининг таъсирида терговчилар ҳақидаги китобларни кўп ўқидим. Айниқса ёзувчи Лев Шейниннинг «Терговчи хотиралари» китобини кўлдан қўймадим. Опоқдадамларни яхши ниятлари йўлдош бўлди шекилли, Яйпандаги 49-ўрта мактабни битириб, Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетига ўқишга кирдим...

Мактабни олтин медалга битирган Тожихон университетда ҳам аъло баҳоларга ўқиди. Имтиёзли дипломни олган, Қўқон суперфосфат заводига юрист-амлаҳатчи бўлиб иш бошлади.

- Корхона жамоаси аҳил-инок, ишчи-хизматчилар ўртасида биродарлик ҳисси сезилиб турарди, - дейди у. - Ман фалон лавозимда, деб манмансираниш кўрмадим...

- Кишилардаги қандай фазилатини биринчи ўринга қўясиз? - ўз

ўзиндан савол туғилди.

- Камтарлик, самимиятни қадрлайман. Сизга бир хил гапириб, ортингиздан бошқача сўзлайдиган иккиозламачи одамларга тоқатим йўқ...

Тожихон эҳтимол айнан катта корхонада ишлаб юрган кезлари камтарликка одатлангандир. Кейинчалик Бўҳоро вилоятининг Жондор, Ғиждувон туманларида прокурор ёрдамчиси, катта ёрдамчиси лавозимларида фуқароларнинг арзларини тинглаб, қонун доирасида уларга ёрдам бериб, айни чоғда давлат мулкани талон-тарож қилиш ва бошқа жиноятларни содир этган кимсаларни тергов қилиш жараёнида қасб-корига хос собитлик, қатъиятчилик каби хислатларни орттирди.

- Назарий билимлар ўз йўлига, лекин иш тажрибасининг ўрни бошқа, - дейди Тожихон...

Жондор туманида ўн йил прокурор бўлиб ишлаган, Тожихон борган кезллари терговчилик қилаётган Муталиб ака Избобов, Ғиждувон тумани прокурори Нормат ака Холматовлар унга амалиётдан сабоқ беришди, чигал, мушкул вазиятларда амалдаги қонунларга таяниб, тўғри қарорлар қабул қилишни қўндалик ишларида ўргатиб боришди.

- Бошқа қасблардан фарқли, прокуратура ҳодими зиммасида жуда катта масъулият бор, - дейди Тожихон. - Инсон тақдирига, ҳатто айбланувчи тақдирига бефарқ қарай олмаймиз. Тўғри, қасддан, оғир жиноят содир этган шахс ҳар қимминг, оддий кишиларнинг ҳам қаҳрини келтиради. Айни чоғда адашди жиноят йўлига кириб қолган кишиларга ачинасиз. Бирок ҳар қандай ишни қонун мезонлари, адалат мезонлари бўйича қўриб чиқишимиз, ҳиссиётларга берилмаслигимиз керак...

У суд жараёнларида давлат айбловчиси сифатида ҳам қатнашди. Жамият учун хавфли порахўр, қотил, босқинчиларга нисбатан шафқатсиз, эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганларга енгилроқ жазо тайинлашни сўрайди.

Сўнгги пайтларда Фаргона вилоят прокуратураси жиноятчиликнинг олдини олиш, уни қаматиришнинг воситаларидан бири сифатида ижтимоий ҳимоя, шу жумладан, ишчиларни иш билан таъминлаш борасидаги қонунлар ижроси ва ҳуқуқий тарғибот ишларига алоҳида аҳамият берапти. Бунинг самарасини ишчилар томонидан содир этилган жиноятлар қамайганида яққол кўриш мумкин. Вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Тожихон Шерикўлова ушбу соҳада бошқа қасбдошлари каби фаол ишлаяпти.

- Қайси ишда ишлагансиз, менимча, аёлда жавобгарлик ҳисси кучлироқ бўлади, - дейди у. - Ишда ҳам, рўзғорда ҳам ҳамма ишга улғуради. Баъзан, биронта иш чала қолса, кечаси билан ухлолмайман.

- Аёл уй бекаси бўлиши керак, деган нуктаи-назарга қандай қарайсиз?

- Тўғри, аёл биринчи навбатда уй

бекаси эканлигини, болаларнинг тарбиясини унутмаслиги керак. Лекин ишлаётган аёллар жавобгарлик ҳисси кучли бўлгани учун ҳамма нарсага улғуришади. Эрақлардан қолишмайди. Тумарис, космосга учган аёллар бунга бир мисол. Мен ҳам ишда, ҳам уйда саришта аёлни ҳурмат қиламан. Мен билан бирга ишлаётган Лариса Абсарова ана шундай аёллардан. Уй бекалари орасида ҳам ҳар хиллари бор. Уйдаги ишлари қолиб, кўчада гап сотиб, ғийбат қилиб ўтиришларини ўзимга сингиролмайман. Ўзим бўш қолсам, китоб ўқийман, шеърларни яхши кўраман. Афсус, қўшторноқ ичидagi тадбиркор аёллар кўпайиб кетаяпти. Чет элларга қатнаб қанчаларининг уйлари бузилаяпти. Бунга қўлларини совуқ сува урмайдиган эрлари сабаб. Айниқса, туманларда, қишлоқларда, ҳеч бўлмаса томорқада ишлаб, рўзғорини тебратса бўлади-ку. Тўрт мучаси соғ бўлиб туриб, уйда ётиши, ҳамма нарсани аёлга ташлаб қўйиши ақлга сиймайди. Бундай лоқайд одамлар душмандан бўлди. Яхши маънодаги тадбиркор, ҳам рўзғорини ўрнига қўйиб, ҳам жамиятга наф келтираётган аёллар ҳавасим келади.

- Бахт деганда нимани тушунасиз?

- Бахт... Олдингизга қўйган мақсада эриша олсангиз, ана шунинг ўзи бахт. Мен бахтиёрман. Севган ишим, меҳрибон оилам, ҳурмат-этиборим бор. Ҳамма нарса одамнинг ўзига боғлиқ...

Исроил ИБРОҲИМОВ.

«Хукук» муҳбири

САҲОВАТ**БАЙРАМ ТУҲФАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг ташаббуси билан «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинган мазкур йилда Республикада соғлом авлоднинг тарбиялаш борасида ҳамма жойда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ушбу ҳайри ишдан четда қолмаётган Тошкент вилояти прокуратураси ҳодимлари ҳам бир қатор тадбирларни ўтказмоқдалар. Мустақиллик байрами муносабати билан янги ўқув йили бошланиши арафасида прокуратура вакиллари Бўқа туманида жойлашган 15-Меҳрибонлик уйига ташриф буюрдилар. Прокуратура ҳодимлари бир кунлик иш ҳақи ҳамда ҳашар ҳисобидан олинган озиқ-овқат маҳсулотлари, ширинликлар, кийим-кечак ва ўқув қуролларини меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига совға тариқасида туҳфа қилдилар.

Р.ЗИМИРЗАЕВ,

Тошкент вилояти прокурорининг
кадрлар бўйича ёрдамчиси

ТАДБИР**ОСОЙИШТАЛИК - ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ**

Фаргона вилояти ҳокимлиги биносида «Осойишталик - энг катта бойлигимиз» мавзусида оммавий ахборот воситалари ҳодимлари учун матбуот конференцияси бўлди. Вилоят прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган ушбу матбуот анжуманида вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари бошлиқлари ва масъул ҳодимлари иштирок этдилар.

Матбуот конференциясини вилоят прокурори, адлия амлаҳатчиси Ю.Абдукаримов очиб, республикамиз, хусусан, вилоятимиздаги ижтимоий-сиёсий аҳвол ҳақида ахборот берди. Қўшни Қирғизистон Республикасининг Боткен вилояти ҳамда мамлакатимизнинг Сурхондарё вилояти Сароисиё ва Узун туманлари тоғли ҳудудларига суқулиб қирган террорчи гуруҳларнинг тугатилаётгани, аҳоли ўртасида саросима ва миш-мишларга ўрин йўқлиги, бу ғаламисона хуруж Ўзбекистон халқининг osoйишталигига асло ҳалакит беролмаслиги ҳақида сўзлади. Шу билан бирга террорчиликнинг манфур мақсадларини фоти эши, фуқароларни серқалкича, оғоҳликка даъват этишда оммавий ахборот воситаларининг ролини янада қучайтириш лозимлигини таъкидлади. Шундан сўнг вилоят бўжхона бошқармаси бошлиғи И.Аскарлов, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари А.Мақсудов, вилоят суди раисининг биринчи муовини З.Ҳомидов, вилоят адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари И.Отаҳўжаев, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи Н.Қорабобов журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига батафсил жавоблар қайтардилар.

«Халқ сўзи» газетасининг вилоят бўйича муҳбири Н.Собиров, вилоят телерадиокомпанияси раиси А.Худойназаров, Охунбобоев тумани «Истиқбол йўли» газетаси муҳбири М.Каримов, Марғилон шаҳар телевидениеси раҳбари Б.Тошпўлатов, «Фаргона тоғи» газетаси муҳаррири Б.Хошимов, «Меҳр ёдуси» газетаси муҳаррири Т.Турсунов ва бошқалар воқеа-ҳодисаларни тезкор усулда ёритиш, ҳуқуқ-тартибот идоралари ишда ошқоралик ташминлаш, турли фикри бузуқ шахслар ва айрим ноқонуний ҳаракатларга қўшилиб қолган кимсаларнинг ёлғон-яшқиларини фоти этишда, юртимиз osoйишталигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва оммавий ахборот воситаларининг қўлни-қўлга бериб ишлашлари даркорлигини таъкидлашди.

(Ўз муҳбиримиз)

ТАДБИР**ЛОҚАЙД БЎЛМА, МАҲАЛЛАДОШ!**

Ватанимизнинг жанубий сарҳадларига қабиҳ ниятда кириб келишга уринган бир ғуруҳ жангарилар ҳаракати халқимизнинг ғазабини қўзғатмоқда. Айниқса, бу ҳол бизни яна бир қарра ҳушёрликка, атрофимизга жиддийроқ қарашга ундади, десак янглишмаймиз. Бугун Сароисиё туманида жангариларга қарши курашда мардларча жон берган юртимиз баҳодирларининг ота-оналари, қавму қариндошлари билан биргаликда юрдошларимиз ҳам бошқинчиларни лаянлатмоқда, уларга нисбатан ўз нафратини бидирмоқдалар.

Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, Дўмбироқбод маҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам қараз мақсадли террорчиларнинг ҳаракатлари кескин қораланди. «Оғоҳликка даъват» шiori остида ўтган ушбу йиғилишда Тошкент шаҳар прокуратураси, туман прокуратураси, ички ишлар бўлими ҳамда ҳокимлик вакиллари, маҳалла оқсоқоллари иш-

тирок этишди.

Пойтахт шаҳар прокурорининг ўринбосари М. Солиҳов сўзга чиқиб, йиғилишнинг асосий мақсади ҳақида тушунтириш берди:

- Юртимизда кечаётган вазият бизни яна бир бор ҳушёрликка, оғоҳликка қажирмоқда. Бугунги кундаги асосий вазифамиз - юртимизга, маҳалламизга четдан кириб келаётган фуқароларни аниқлашдан иборат. Улар қаерга, қандай мақсадда келганлиги бугун ҳар биримизнинг эътиборимизда бўлмоғи шарт.

Йиғилиш сўнгига бўлиб ўтган ўзаро савол-жавоблардан шу нарса маълум бўлдики, маҳалла аҳли юртимизда бўлаётган воқеаларга бефарқ эмас. Аксинча, сўзга чиққанлар бугунги osoйишталигимиз, фарзандларимиз келажаги ҳар биримиз учун муҳим эканлигини таъкидлашди.

Ж. ШАРОФБОВ,
«Хукук» муҳбири

ТАҲРИРИЯТ ХАТКУТИСИДАН

«Ҳуқуқ»қа жавоб берадилар

«КИРА ҲАҚИ ҚАНЧАДАН?»

«ҲУҚУҚ», 2000 ЙИЛ 28 ИЮНЬ, 25-СОН

«Ўзвоттранс» корпорацияси «Ҳуқуқ» газетасининг жорий йилнинг 28 июнидаги 25-сонидида чоп этилган «Кира ҳақи қанчадан» номли мақоласи юзасидан куйидагиларни маълум қилади.

Умумий фойдаланишдаги автотранспортда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 сентябрдаги 455-сонли «Шаҳарда, шаҳар атрофида катновчи йўловчи транспорти хизматлари тарифлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 1994 йилнинг 1 сентябридан бошлаб шаҳар ва шаҳар атрофида катновчи йўловчи транспорти хизмати учун кетадиган реал харажатларни ҳисобга олган ҳолда ва аҳоли манфаатлари амак қилган тарифларнинг чекланган энг юқори миқдорини белгилаш ҳуқуқи берилган.

«Ургенчйўловчиси» очик турдаги ҳиссдорлик жамиятининг ҳисоб-китоблари асосида шаҳарда йўналиш таскилларида бир маротаба ташиш учун тариф Хоразм вилояти Молия Бошқармасининг 2000 йил 8 февралдаги ХР-7-2000 сонли хати билан 45 сўм миқдоридан белгиланган ва ҳозирда қўлланиб келинмоқда.

Корпорация тизимига кирувчи йўловчи ташиш автокорхоналарида йўналишларда белгиланган тарифларга амак қилинишни назорат қилиш корпорациянинг 2000 йил 29 майдаги 147-сонли буйруғига асосан жамоатчиликни жалб қилган ҳолда амакга оширилмоқда.

Мақолада номлари келтирилган «Ротор» ширкати ва

«Парвоз» уюшмаси корпорация таркибига кирмайди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 17 августдаги 350-сонли «Шаҳар йўловчилар транспортида очик тендерлар ташкил этиш ва уларни ўтказиш масалалари тўғрисида»ги Қарорига асосан Ургенч шаҳар ҳокимлигида ташкил этилган шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш Комиссиясининг 2000 йил 15 февралдаги 133-сонли хати билан «Ротор» ширкатига 7-йўналиш ва ушбу комиссиянинг 2000 йил 25 февралдаги 135-сонли хати билан «Парвоз» уюшмасига 4-йўналиш хизмат кўрсатиш учун бириктирилган.

Шахсий уюшмалар ва бошқа мулкчилик шаклидан қатъий назар йўловчи ташувчилар ишини тартибга солиш ва уларнинг ишларини назорат қилиш «Ўзавтотранс» агентлиги ва маҳаллий ҳокимиятлар қошида ташкил этилган шаҳарда йўловчилар ташишни ташкил этиш ва уларнинг ишини мувофиқлаштириш Комиссиялари томонидан амакга оширилди.

«Хоразмтранс» бирлашмасига корпорация тизимига кирувчи вилоятдаги барча йўловчи ташиш билан шуғулланувчи автокорхоналарда тарифларнинг тўғри қўлланилиши устидан назоратни кучайтириш ва йўловчиларга маданий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича ишларни жонлантириш вазифаси юклатилди.

К.СИДИҚНАЗАРОВ,
«Ўзавтотранс» давлат акциядорлик корпорацияси бошқаруви раиси

ДАЪВО АРИЗАСИ ҚЎЗГАТИЛДИ

Вилоят прокуратураси томонидан Самарқанд шаҳар, Ўзбекистон қўчаси 61-уйда яшовчи фуқаро В.А.Юденко ва бошқаларнинг қўшниси Р.Раҳматуллаев уларнинг уй-жойига эгалик ҳуқуқларини бузиб, умумий фойдаланишдаги ер майдонини ноқонуний равишда эгаллаб олиб, ўзбошимчилик билан иморат қураётганлиги тўғрисидаги аризаси текшириб чиқилди.

Аниқланишича, ариза муаллифлари В.Юденко, П.Юденко, А.Камолов, Д.Камолов ва К.Камоловлар Самарқанд шаҳар, Ўзбекистон қўчаси 61-уйда Р.Раҳматуллаевлар оиласи билан яшаб келган. Уйнинг ҳолиси умумий фойдаланишда бўлиб келган.

1996 йилда Р.Раҳматуллаев ушбу уйнинг умумий фойдаланишдаги ўзи яшаб турган хона ёнидаги ер майдонини ўзбошимчилик билан эгаллаб олиб, қўшниларнинг розилигисиз иморат қурилишини бошлаган.

Ушбу ҳолат 1996 йил 26 апрелда Самарқанд шаҳар ҳокимияти меъморчилик ва шаҳарсозлик бошқармаси томонидан кўриб чиқилиб, Р.Раҳматуллаевга қурилишни тўхтатиш ва бузиб ташлаш ҳақида амрнома берилган. Амрномага кўра Р.Раҳматуллаев ўзбошимчилик би-

лан бошланган қурилишни тўхтатган, лекин қурилиши бошланган иморат бузиб ташланмаган.

Фуқаро Юденко ва бошқаларнинг аризасига асосан Боғишамол тумани прокуратураси томонидан 2000 йил феврал ойида Р.Раҳматуллаевга нисбатан ўзбошимчилик билан иморат қураётганлиги ҳолати юзасидан МЖКнинг 160-200-моддалари билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилган. Мазкур иш туман судида кўриб чиқилиб, ҳуқуқбузар тегишли жавобгарликка тортилган.

Қайд этилган ариза юзасидан таскоран ўтказилган текширишда ушбу иморат ҳозирги пайтгача Р.Раҳматуллаев томонидан бузиб ташланмаганлиги аниқланди. Самарқанд шаҳар прокуратураси томонидан жорий йилнинг 28 августидан Фуқаролик Кодексининг 212-моддаси ва Фуқаролик процессуал Кодексининг 46-моддалари талабларига мувофиқ бу иморатни бузиб ташлаш тўғрисида Боғишамол тумани судига даъво аризаси киритилди.

Судда даъво аризининг кўриб чиқилиши ҳақро прокуратураси томонидан назоратга олинган.

А.ХУСАИНОВ,
Самарқанд вилояти прокурори

ВАЖЛАР АСОСЛИ ЭКАН

Зомин туманидан келган бир шикоят хатида туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими хизматчилари З.Шайбекова, М.Беганова, Қ.Маматова ва С.Сариева бир неча ойлاردан буён оилка машаларини олмаётганликлари, бу борадаги бузилган ҳуқуқларини тиклашда ёрдам кўрсатишимизни сурашган эди.

Ушбу шикоят хати юзасидан текшириш ўтказган Зомин туман прокуратурасидан куйидагича жавоб олдик:

«Фуқаро З.Шайбекова ва бошқаларнинг аризаси бўйича текшириш ўтказилди.

Текшириш давомида аризада кўрсатилган важлар ҳақиқатан ҳам асосли эканлиги, яъни Зомин туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими томонидан ишчи-хизматчиларга 1998-1999 йиллар учун оилка иш ҳақлари ҳақиқатан ҳам берилмасдан келинганлиги аниқланди.

Текшириш натижасига кўра Зомин туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими раҳбарларига нисбатан тегишли чоралар кўриш учун туман ҳокимига назорат тартибда тақдимнома киритилди.

Текширув жараёнида З.Шайбекова ва бошқаларга Зомин туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими томонидан 10000 сўмдан аванс пули берилди, қолган иш ҳақлари бўлим ҳисобига пул тушиши билан зудликда ундириб берилиши тушунтирилди.

Б.ШАИМОВ,
Зомин туман прокурори,
1-даражали юрист

ҚАРОР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Фуқаро М.Абдухалилованинг «Ҳуқуқ» газетаси таҳририятига ёзган, 2000 йил 1 январь куни содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаси (ИТХ) натижасида турмуш ўртоғи А.Абдухалилов вафот этганлиги, аммо айбдор шахсларга нисбатан қонуний чора қўрилмаганлиги тўғрисидаги аризаси жиноят иши билан биргаликда назорат тартибда ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, ИТХ юзасидан Чилонзор туман прокуратурасида 2000 йил 13 январь куни ЖҚКнинг 266-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб берилган. Тергов натижасига кўра 24 май куни жиноят иши ҳаракатдан тугатилган. Мазкур қарор Республика прокуратураси томонидан асоссиз деб топилиб, 23 август куни бекор қилинди ва қўшимча тергов ҳаракатларини малакали, ҳолисона олиб бериш мақсадида Тошкент шаҳар прокурорига кўрсатма берилди.

Қўшимча тергов Республика прокуратураси томонидан назоратга олинди.

О.НИЁЗОВ,
Республика прокуратураси Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси

НОМАЪЛУМ САБАБЛАРГА КЎРА...

Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси фуқаро Бўрижа-мол Жабборованинг «Ҳуқуқ» газетаси таҳририятига алимент масаласида ёзган шикоят юзасидан куйидагиларни маълум қилади.

Жавобгар Абдурайим Жабборовдан даъвогар Бўрижа-мол Жабборованинг 3 нафар фарзанди таъминоти учун оилка иш ҳақининг 1/2 қисми миқдоридан алимент ундириш ҳақидаги ижро варақаси Бандихон туман суди назоратга бўлиб, ижро этиш учун жавобгарнинг иш жойи - Бандихон тумани «Шижоат» деҳқон - фермер ҳўжалигининг ҳисобхона-сига 1999 йил 12 октябр кўни юборилган. Унинг ижроси текширилганда куйидагилар маълум бўлди. 1999 йил октябрда жавобгарнинг иш ҳақи 1950 сўм, ноябрда 1900 сўм, декабрда 1946 сўм бўлиб, мос

равишда 975+950+973 сўм, жами 2898 сўм ундирилиб, 2000 йил 11 январь кўни 2-тўлов топшириқнома-си орқали даъвогарнинг яшаш жойига юборилган.

2000 йил январда жавобгарнинг 1932 сўм иш ҳақидан 966 сўм, февралда 1950 сўмдан 975 сўм, мартда 1900 сўмдан 950 сўм, апрелда 1950 сўмдан 975 сўм, майда 1900 сўм иш ҳақидан 980 сўм, жами 5798 сўм алимент пули ундирилиб, 11 июль кўни 38-тўлов топшириқномаси орқали даъвогарнинг манзилга юборилган.

«Шижоат» деҳқон-фермер ҳўжалиги ҳисобчиси Н.Иброҳимов билан суҳбат ўтказилганда, у ҳўжаликнинг ҳисоб рақамидан пул бўлмаганлиги сабабли алимент пулини ойма-ой юборишга имкон бўлмаганлигини айтган.

Шунингдек, фуқаролардан виллоят Адлия бошқармасига алимент пулини ўз вақтида олмаётганликлари ҳақида шикоятлар тушаётган бўлиб, улар жойларда текширилганда алимент пуллари ўз вақтида жўнатилаётганлиги, аммо почта хизмати ушбу пуллари 6 ойлаб манзилга етказиб бермаганлиги ёки бошқа шахсларга бериб юбораётган ҳолатлар аниқланган. Жумладан, фуқаро Б.Жабборовга тегишли алимент пули ҳам номуаълум сабабларга кўра манзилга етиб бермаган.

Юқоридаги ҳолатлар инобатга олиниб, аниқланган хато-камчиликлар юзасидан «Сурхондарёпочта» ҳиссдорлик жамияти раиси номига тақдимнома киритилди.

Ч.АЛЛАЕВОВ,
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармаси бошлиғи

ҚОНУН БУЗИЛИШИ БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Вилоят прокуратураси томонидан З. Тилавовнинг Пастдаргом тумани Н.Казимов номили ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Ш.Раимқуловнинг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги аризаси текшириб чиқилди.

Текшириш давомида прокуратура идоралари ала-лашуви асосан З.Тилавога ҳўжалик бошқаруви томонидан ижарага 2 гектар ер ажратиб берилди ҳамда унинг турмуш ўртоғи Н.Йўловчага жорий йилнинг 10 августидан 49920 сўм нафақа пулидан тўланди.

2000 йил 1 июн ҳолатига иш ҳақидан тўлпаниб қолган 10 млн. 52 минг сўмлик қарзларнинг 4 млн. 783 минг сўмининг тўланиши таъминланди.

Шунингдек, ҳўжаликнинг 2000 йил июн, июл ва август ойлари учун иш ҳақидан қарзлар 5.269.000 сўмни ташкил қилган. Вилоят прокуратураси томони-

дан мазкур қонунбузилиш ҳолатларини зудлик билан бартараф этиш ҳақида раис Ш.Раимқуловга амрнома киритилди.

Бундан ташқари туман прокуратураси томонидан жорий йилнинг 24 июл куни Н.Казимов номили ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Ш.Раимқуловга нисбатан тўлов интизомини бузганлиги учун МЖКнинг 175-моддаси 3-қисми билан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, Пастдаргом туман давлат солиқ инспекцияси бошлигининг қарори билан у 17500 сўм жаримага тортилган.

А.АЗИЗОВ,
Самарқанд вилоят прокуратураси ўринбосари

«СУНЬИЙ ТЎСИҚ - «КЎРИНМАС» ИШ»

«ҲУҚУҚ» 20-СОН, 2000 ЙИЛ

Мазкур мақоладаги важлар Жарқўргон туман прокуратураси томонидан туман ҳокимлигида мавжуд бўлган шу масалага оид ҳўжатларни ўрганиш асосида кўриб чиқилди.

Аниқланишича, шикоятчи Ж.Эмүродовнинг фермер ҳўжалиги ташкил этиш ҳақидаги аризаси туман ҳокимлиги қошидаги махсус комиссиянинг 1999 йил 1 декабрда бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама қилинган. Комиссия Ж.Эмүродов яшаб келаётган Алишер Навоий номили ширкат ҳўжалигининг 4-бригадасида аҳоли зич жойлашганлиги сабабли фермер ҳўжалиги тузиш учун имконият йўқ деган ҳулосага келган.

«Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонуннинг 9-мод-

дасида «Фермер ҳўжаликларига захира ерлар, махсус Республика фонди ерлари, меҳнат ресурслари етарли бўлмаган ҳўжалик ва янги суғориладиган мавзелардан ер берилади» деб белгиланганлиги боис туман ҳокими ва комиссия раиси Ж.Эмүродовга янги ўзлаштирилган ерлардан, яъни Алишер Навоий номили ширкат ҳўжалигининг «Қизил мўс» мавзесидан ер олишни тақлиф қилишганда, шикоятчи рад жавобини берган.

Фуқаро Ж.Эмүродов туман прокуратурасига тақлиф қилиниб, «Фермер ҳўжалиги тўғрисида»ги қонун талаблари тушунтирилди.

Д.АБДУРАХМОНОВ,
Жарқўргон туман прокурори

ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, узоқ йиллар давом этиб келган давлат авторитар бошқарув усулидан воз кечилди. Жаҳон иқтисодиёти тажрибасида қўлланиб келинаётган турли мулк шакллари юзага келтиришга асосланган ислохотларга кенг йўл очилди. Қўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ва айниқса хизмат кўрсатиш ҳамда савдо тизимидagi корхоналарнинг аксарияти хусусийлаштирилди, мустақил фаолият кўрсата бошладилар. Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Динамо» спорт бўумлари дўкони ҳам 1994 йилга қадар давлат тасарруфига кирувчи ҳўжалик ҳисобидagi корхона эди. Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 1994 йил 2 февралдаги кўрсатмасига асосан ўша йилнинг 10 июнида жамоа корхонасига айлантилди. 44 нафар жамоа аъзоси ўртада пул йиғиб, Низом жамғармаси ташкил этилди, таъсис шартномаси тузилди. Корхона директори лавозимида ишлаб келган С.Бахриддинов янгидан ташкил топган жамоага раҳбар этиб сайланди.

Бирон-бири янгиликнинг ҳаётга жорий этилиши, қўндалик турмушимиздан мустаҳкам ўрин олиши анчайин мураккаб кечадиган жараён. Айниқса, агар у бутун бошлиқ жамоага тегишли, боз устига муайян бир мулк билан боғлиқ бўлса. Бу ерда ҳам иш дастлаб бир маромда олиб борилди. Жамоа аъзолари қандай ишлаган бўлса, худди шундай тарзда ишлашни давом эттирди. Бу орада, яъни 1995 йилнинг 7 февралда Шайхонтоҳур туман ҳокими қарори билан «Динамо-1» жамоа корхонаси низомий давлат рўйхатга олинди. Бугунча давом этиб келаётган можа ро эса, 1996 йил апрелида С.Бахриддинов соҳа-матлиги ёмонлашганлиги тўғрисида ўз аризасига кўра ишдан бўшатишларини сўраб, корхона улушини 51 фоизи эгаси сифатида ўша пайтдаги «Спорттор» базасида ишловчи, «Динамо-1» дўконидан ижарага ҳў олиб, тижорат билан шуғулланувчи С.Охунжоновни корхона раҳбари этиб тайинлаганидан сўнг бошланди. Жамоа ўртасидаги норозиликлар тўхтамади. Орадан 1,5 ой ўтган, корхонада умумий йиғилиш ўтказилди, бўлим мудири вазифасида ишлаб келаётган А.Йўлдошев директорликка сайланди. Афсуски, у ҳам жамоа ишончини қўнғилдагидек оқлай олмади. Одамлар орасида яна норозилик пайдо бўла бошладилар.

Асад Йўлдошев дўконимизда ишни оддий сотувчиликдан бошлаган, савдо қўнун-қўдаларини яхши биладиган, ҳаракатчан йиғит эди, дейди корхонада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган Аҳмад Муслимов. «Шу боис кўпчилик унга овоз берганди. Бирок раҳбарлик ҳамминанг ҳам қўлидан келар-мас экан. Очигини айтидиган бўлсам, Йўлдошевнинг «хўрмача қилиқлари» чиқа бошладилар. Жамоа аъзолари норози бўлиб, аудиторлик текшируви ўтказишни талаб қилишди. Текширув натижаларига кўра унинг устидан жиноий иш қўзғатилди.

Ҳа, жамоа аъзолари энди фақат мақш олиб ишлайдиган, директор олиндида кўп қовуштириб турадиган аввалги оддий ишчилар эмасди. Улар энди мулкдорлар, дўконнинг ҳақиқий эгалари эдилар. Шу тўғрисида ҳам вақти-вақти билан раҳбар фаолиятини муҳокама этиб туришлари табиий эди. Айтгандай, улар 1996 йили, яъни А.Йўлдошев директорликка сайланган, корхона Низомига ўзгартириш қиритиш, овоз беришда «оддий кўпчилик» орқали ҳал қилиш тартибини жорий этишганди. Ва, назаримизда жамоа шундай қилишга ҳақли эди. Бундан ташқари, корхона мулкида қимнинг қанча ҳиссаси (пайи) борлиги ҳам аниқ-аниқ белгиланмаганди. Бу йилигишда туман ҳокимлиги, Мەҳнат вазирлигидан мутахассислар иштирок этиб, низомга қиритилган ўзгартириш қўнуний эканлиги тасдиқланган ва маъқуланганди.

Рабҳарнинг ҳадеб алмашавериши жамоа обрўсини оширмаслиги аниқ. Бунинг устига туртишувлар авж олган сари корхонадан фазбарака ҳам кўтарилди. Бу гал жамоа аъзолари директор сайлашга шошилмадилар. Орада бош ҳисобчи Сайфиддин Насриддинов вақтинча директорлик вазифасини бажариб турди. Узоқ мулоҳазалардан сўнг олий маълумотли мутахассис, ёш, ташкилотчи йиғит Равшан Нигмоновни директор этиб сайлади.

Р.Нигмоновнинг директорликка сайланиши кўп нарсанинг ойдinлашувиға сабаб бўлди. Энг аввало, янги раҳбар «Динамо-1» жамоа корхонасининг 1994 йил 10 июлдаги таъсис шартномасини ва ундаги шўнча йилдан бери сирли бўлиб келган пай улушини жамоага ошкор қилди.

Аваллари бу ҳўжат билан деврли ҳеч қим танишиб чиқмаганди, - дейди Р.Нигмонов. - Мен ҳам директорликни қабул қилиб олганимдaгина танишib имкониятига эга бўлдим ва биринчи кўрғандаёқ сочим тикка бўлди. Чўки ўшбў энг мўҳим ҳўжатда бирорта ҳам пачиннинг имзоси йўқ эди. Умумий йиғилиш пачиниқ, жамоа аъзоларини шартнома билан таништирдим.

Уша пайтада одамлар ҳўлатини, норозилигини кўрсангиз эди. Ҳамминанг ишдан қўнғили совиб кетди. Қарасам, иш яхши юрмайдиган. Шўнда «келинглар, ҳамминанг улуши бир қилда бўлсин. Шартимизга қўнмаганлар ўз улушини олиб, жамоадан чиқиб кетаверсинлар» дедим. Ҳамма рози бўлди.

«51%»

5 ЙИЛДАН БЕРИ ДАВОМ ЭТИБ КЕЛАЁТГАН ТОРТИШУВГА ТЕГИШЛИ ИДОРАЛАР АДОЛАТЛИ НУҚТА ҚЎЙИШГА ШОШИЛМАЯПТИЛАР. НЕГА ?

Нихоят, корхона аъзолари яқдил қарорга келишди. Ўртадаги пай келишувга мувофиқ барчага бир хил мақдорда бўлиб қичилди. Энди жамоанинг ҳар бир аъзоси ўзининг ҳал қилувчи овозига эга бўлди. Шу асосда жамоа умумий йиғилиши қарорига мувофиқ корхона номи «Спорт-савдо» деб ўзгартирилди. Низомга ҳам тегишли тарзда ўзгартишлар қиритилди ва бу ҳўжат туман ҳокимлигида қайтадан рўйхатга олинди.

Ҳар қандай йиғилиш адолатли қарор қабул қиласигина жамоада норозилик юзага келмайди. Бўни корхона ишлаб чиқариш фаолиятидан ҳам яқсол бўлиб олиш мўкин. Р.Нигмонов директор этиб сайланган, зиён билан ишлайётган корхона фойда келтира бошладилар. Айланма маблағлар сезиларли ўсди. Даромад кўпайди. Кейинги уч йилда ишлаб топилган маблағ ҳисобидан корхона капитал тазмирдан чиқарилди.

Орадан шўнча вақт ўтиб, С.Бахриддинов ва бошқалар(1995-1996 йиллар мобайнида ишдан бўшаш тўғрисидаги аризаларига С.Бахриддинов ва А.Йўлдошев имзо чеккан собиқ ишчилар) жамоада ўз улуши борлиги ва уни ундириб беришларини сўраб, Тошкент шаҳар судига мурожаат қилишига нима сабаб бўлди? Нега энди улар айнан корхона зарардан қутилиб, фойда билан ишлаб бошлаган пайтда жамоада ўз маблағлари борлигини эслаб қолдишди? Бўлганда ҳам ўнча-бўнча эмас, шахсан С.Бахриддинов роса 511 фойздан зиёд мулкка яна эгалик қилгиси келиб қолди?

Вақти-келиб бу саволларга ҳам жавоб топилади, аниқлик қиритилади, албатта. Лекин бизни С.Бахриддиновнинг унинг судга мурожаат этгани эмас, балки суд қароридан кейин, талаби қондирилган бўлишига қарамай, кейинги жараёнларда бутунлай иштирок этаётганлиги ҳайрон қолдирмоқда. Чамаси ўнча шу керак эди ҳолос. Тошкент шаҳар судининг 2000 йил 24 февраль кўнги қарори С.Бахриддиновни яна раҳбарликка рухсатлаб қиритиш ўрнига аксинча, ишда йўл қўйган қамчиликлар, Шайхонтоҳур туман судининг 1997 йил 6 октябрдаги ҳўқим билан ЖҚнинг 167-моддаси 3-қисмининг «а» банди билан жиноий жавобгарликка тортилиб, 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этилганлиги тўғрисида 1997 йилнинг 17 октябрда ишдан бўшатишган А.Йўлдошевнинг ҳаракатга тушириб қўйди. (Ушбу суд қарорига асосан, «Динамо-1» жамоа корхонасининг 1996 йилги таъсис шартномаси ва 1997 йил туман ҳокимияти қарори билан рўйхатга олинган жамоа корхонасининг Низомини, «Спорт-савдо» жамоа корхонасининг 1998 йилги таъсис шартномаси ва туман ҳокимлиги рўйхатга олган Низом бекор қилинган).

Суд қароридан сўнг А.Йўлдошев бошчилигидаги 1994-1997 йилларда ўз аризаларига мувофиқ ишдан бўшанганлар тезда йиғилиб, «энди дўконнинг эгалари биз бўламиз» дея умумий йиғилиш қачирдилар. Табиийки, корхонанинг ишлаб турган аъзолари бу йиғилишда қатнашишдан бош тортидилар. Шу йилнинг 9 июнь қўни Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги биносида бўлиб ўтган йиғилишда 14 нафар собиқ пайчилар қатнашдилар ва А.Йўлдошевини ўзларига директор этиб сайладилар. Суд ҳўқмига кўра туман ҳокимлиги ўзининг 1996 ва 1998 йилги қарорларини бекор қилди. Шу йилнинг 28 июнида «Динамо-1» жамоа корхонасининг номи лотин алифбосида «DINAMO - 1» жамоа корхонаси деб ўзгариш ҳамда корхона Низомига қиритилган ўзгартишларни давлат рўйхатига олиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Унинг 3-бандида шўндай дейилган: «DINAMO - 1» жамоа корхонаси ўрнатилган тартибда келишув анкетасига мувофиқ, те-

гишли туман ташкилотларига номи ўзгариши тўғрисида мажбурий тартибда етказсин, олдинги мўҳрини бекор қилиб, лотин алифбосида мўҳр тайёрласин».

А.Йўлдошев ушбу қарор ҳамда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги қарорларини рўйхатга олиш бўлими берган гувоҳнома, шўнингдек, корхонанинг янги мўҳрини (ҳали эскиси бекор қилинмаган ва олиб қўйилмаган) туман ИИБ қўриқлаш бошқармаси ходимларига рўқач қилиб дўконнинг назорат қўлф тамгаларини бўзиб ташлаб, янгисини ўрнатди. Лекин ичкарига қиршига юраклари дов бермади.

шартномасининг сохталлиги ҳақида кетаяпти. Демак, уни ўзгариштириш қўнуний зарурат эди.

Масалга ойдinлик қиритиш мақсидида узундан-узоқ бўлса-да, қўчирмаларни келтиришга мажбур бўлдиқ. Кўриниб турганидек, дўконни давлат тасарруфидан чиқаришга тегишли бўлган асосий ҳўжат аввалбошданқ жинояткорона сохталаштирилган ва узоқ муддат жамоадан қиршиб келинган. Сир очилган эса ушбу ҳўжатдан хабардор бўлган собиқ уч раҳбарнинг беихтиёр бирлашуви ва атрофига «жабрдийдаларни» йиғиб ҳаракат қилиши сабаб бўлган.

Шўндай бўлиши табиий ҳам эди. Чўнки

МОЖАРОСИ

Чўнки у ерда 25 нафар жамоа аъзосининг 100 миллион сўмликдан зиёд моли бор эди. Аслида корхонанинг «собиқ» раҳбарлари ва аъзоларисиз қўлфни бўзишга ҳақи йўқлигиға «янгидир»нинг ақли етмаган чамаси. Акс ҳолда директор қилмаган бўларди.

Ҳали эски мўҳр бекор қилинмай туриб, А.Йўлдошевнинг қўлида янгиси қандай пайдо бўлиб қолганига эса тегишли идоралар жавоб берадилар, деган умиддамиз.

Нихоят, жамоанинг 1994 йилдаги таъсис шартномаси пайчиларда нега норозилик тўғрисида ва 1998 йилда нега қайтадан шартнома тузилди, деган савол барчани қизиктириши табиий.

Авалло, ушбу ҳўжат нега узоқ вақт жамоадан қиршиб келинди?

Юқорида таъкидланган ҳўжат жамоага номаълум бўлса-да, туман ҳокимлиги, давлат нотариал идорасига яхши маълум эди, Уни Шайхонтоҳур туман 2-сонли нотариал идора нотариуси Қ.Ғиёсова тасдиқлаб, мўҳр босганди.

Хўш, ўшанда ўзи нима бўлганди?

Собиқ Раҳимов тумани ИИБ ТБ катта терговчиси, милиция подполковниги Э.Нуритдиновнинг жиноят ишини тўғатиш тўғрисидаги қароридан қўчирма:

«С.Бахриддинов 1994 йили «Динамо-1» дўконидида директор лавозимида ишлаб, ўзи шу дўконнинг таъсис шартномасини тузади. Таъсис шартнома расмий ҳўжат бўлишини билла туриб, ўз лавозимидан фойдаланиб, қараз ниятда шартномага ўзининг пайи 51,8 фойз, деб ёлгон маълумотни расмий ҳўжатга қиритиб, бу ҳўжатга шартномада қўрсатилган 44 та аъзонинг бирортасига ҳам имзо чектирмади, нотариусдан қўнуний йўл билан, нотариуснинг ўз вазифасига нисбатан сохтакорлик жиноятини содир қилганлигидан фойдаланиб, таъсис шартномасини Шайхонтоҳур тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтказди. Ушбу таъсис шартномаси ҳокимиятдан олинчи, жиноят ишига қўшилди. (2-том, 89-101-б.) С.Бахриддинов таъсис шартномасига қиритган 51,8 фойз пайга эга эканлигини жамоа аъзоларидан яширди. Фақат у 1997(?) йили ишдан бўшанидан сўнг жамоа аъзолари таъсис шартномаси борлиги ҳақида хабардор бўлишди». (Демак, С.Бахриддинов директорлиги пайтда нотариус томонидан тасдиқланган ва туман ҳокимлиги ҳамда тегишли идоралар рўйхатдан ўтказилган таъсис ҳўжати сохта эканлиги факт бўлмоқда).

Давлат нотариуси Қ.Ғиёсова ҳамда С.Бахриддиновларга нисбатан «...айбдорлиги масаласини ҳал этмай туриб, уни жинсий ҳавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги учун» ва «...мансаб сохтакорлиги жиноятни бўйича айбдорлик масаласини ҳал этмай туриб, жиний ҳавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги сабабли тўғатилсин».

Изоҳ: Қ.Ғиёсова иши Тошкент шаҳар ҳокимияти Адлия бошқармасининг квалификация комиссияси томонидан қўриб қичилиб, унинг нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳақидаги лицензияси бекор қилинган.

Бизни маъзур ҳўлатда ҳайрон қолдирган нарсаси шўки, ваколатли давлат органининг терговчиси Э.Нуритдиновнинг қароридан қўнунийгина, 1994 йилда қабул қилинган «Динамо-1» жамоа корхонасининг таъсис ҳўжатида сохтакорликка йўл қўйилганлиги аниқлашган қўрсатиб ўтилган, лекин шахсининг жиний ҳавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги муносабати билан иш тўғатилган. Жиний ҳавобгарликка тортиш муддати ўтганлиги билан сохта ҳўжат қўнунийга айланди дегани эмас-ку. Бу ўринда гап С.Бахриддинов ва Қ.Ғиёсовани ҳавобгарликка тортиш ҳақида эмас, гап 1994 йилда қабул қилинган таъсис

Р.Нигмоновча таъсис шартномасининг сохталлигини собиқ уч раҳбарига билган ва билла туриб, жамоани хабардор қилмаган. Яъни жиноятни яшириб келган. Шўндай экан, улар 1998 йилда тузилган таъсис шартномасини бекор қилиш учун бор имкониятларини ишга солишган, дейишга тўлиқ асос бор. Улар шўндай қилдилар ва маълум даражада мақсадларига эришдилар.

Тошкент шаҳар судининг 2000 йил 24 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ҳам 12 июнда махсус қарор қабул қилди. Унга кўра айнан ушбу туман ҳокимлигининг 1997 йил 2 декабрдаги 1448/2-сонли «Динамо-1» жамоа корхонасининг номи «Спорт-савдо» жамоа корхонаси деб номланганлиги ҳақидаги қарори ўз қўнуний йўқотган деб ҳисоблансин ва «Спорт-савдо» жамоа корхонасининг мўҳри бекор қилинсин, дейилган.

Қарорнинг 2-бандида эса: «1995 йил 2 февраль туман ҳокимининг 22/2-сонли қарори билан «Динамо-1» жамоа корхонасининг давлат рўйхатига олинган низомини, таъсис шартномасини «DINAMO-1» жамоа корхонасининг таъсис ҳўжатлари деб ҳисоблансин» дейилган.

Туман ҳокимлиги бунга ҳақ маротаба, яъни 1995, 1996, 1998 йилларда ҳам худди шўндай қарорлар чиқарганди. Ва уларнинг ҳар бирида «қўнунда қўрсатилган тартибда» жуумласига алоҳида ўрғу берилганди. Демак, қарорлар ҳаминча «қўнунда белгиланган тартибда» қабул қилинапти.

Шў ўринда табиий бир савол тўғилди. Ҳокимликнинг тегишли бўлимлари корхона ҳўжатларини қабул қилиб олган ва тегишли қарор қабул қилганида қайси қўнунларга асосланган? Агар асосланган бўлса, бугунга келиб нега қўнунга зид бўлиб қичапти? Сохта таъсис шартномасини қабул қилиб олиб, корхона низомини рўйхатдан ўтказган маъсўл идора-чи ?

Қўнун барчага қаробар. Суд қарорини ижро этиш керак албатта. Лекин бу ишга қимдир бош-қоқ бўлиши керак-ку. Ҳокимлик ва унинг хўсусийлаштириш бўлими бугун яна томошабин бўлиб турибди. Акс ҳолда, аввалги мўҳр бекор қилинмай янгисининг пайдо бўлиши, корхонанинг парокандалликка ўз тутиши, янгидан раҳбар сайланиши, қўлфларни алмаштириш, ичкарига қириб директор қонасидаги ҳамда ҳисобхона сейфларини бўзиш каби ноҳўш қиринишлар юз бермаган, аксинча, ўзаро келишилган ҳамда маданий қўринишда амалга оширилган бўлурди.

Р.Нигмонов атрофига ушган 25 нафар тадбиркор қабул қилган ва туман ҳокимлиги қўнуний деб топган 1998 йилдаги таъсис шартномаси таъйирланиш жараёнида балки жузый қамчиликларга йўл қўйилгандир (собиқ жамоа аъзоларини тақлиф этиш ва ҳўжазо). Аммо уларнинг бу ҳаракати адолатли тиклаш эканлигини ҳам унутмаслик лозим. Чўки айни ани шу қарордан сўнг жамоада иш ошқора юритилмаган, қўпчилик фикри билан ҳисоблашадиган вазият юзага келган. Иш олдинга юриб, тушўмга ҳам барака қирган, корхона ойига 5-6 миллион сўм атрофида мўнтазаб солик тўлаб келаятганди.

Мана уч ойдики, корхона ҳўвилаб қолди. Савдо-сотиқ тўхтатилди. 25 нафар пайчи, 9 нафар ижарачи ишсиз қолди. Хўш, бундан қимга фойда-ю, қимга зарар?

Ушбу саволга жавоб берила: ҳеч қим фойда қўрмади. Каттагина жамоа билан давлат хазинаси эса зарар қўрапти. Ҳамма гап ана шўнда.

Дониёр ХАЛИЛОВ,
«Хўқўқ»нинг махсус муҳбири

САҲИФАМИЗДА НАВОЙИ ВИЛОЯТИ ПРОКУРАТУРА ИДОРАЛАРИ

МУСТАҚИЛЛИК— ОРЗУЛАР РЎЎБИ



Сухбатдошимиз Навоий вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Бахриддин ЭҒАШЕВ

— Бахриддин Рўзиевич, қонун устуворлигини таъминлашда прокуратура идораларининг умумий назорат фаолиятини таъминлаш, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш борасида вилоятда қандай натижаларга эришилмоқда?

— Агар жорий йилнинг ўтган даврига назар соладиган бўлсак, бу борада сезиларли натижаларни қўриш мумкин. Вилоят прокуратураси органлари томонидан умумий назорат тартибиди 356 та текшириш ўтказилиб, уларнинг натижасига кўра 163 та протест, 359 та тақдирнома ва 314 та амрнома, 1313 та оғохнома келтирилди. Шунингдек, 334 та интизомий, 697 та маъмурий ҳамда 118 та моддий жавобгарлик ишлари қўзғатилди. Ушбу жараёнлар чоғида ундирилган зарарнинг ўзи 4674454 сўмини ташкил этади. Вақтида очилган 107 та жиноят иши тўғрисида қўллаб-талош-тароқликлари олдиди.

Этироф этиш лозимки, вилоят прокуратура органлари томонидан 2000 йил 11 февраль куни Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган мажлисда «1999 йилда Республикаси ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳамда Республика Президентининг иккинчи қақариқ Олий Маҳлиси 1-сессиясидаги маърузасидан келиб чиқадиган биринчи навбатдаги вазифалар тўғрисидаги қабул қилинган қарорнинг ижроси мунтазам ўрганилиб келинаётган. Деҳқон ва фермер хўжаликлари амалий ёрдам кўрсатишининг мақбул йўллари изланмоқда.

— Айтадиган, соғлом авлод йили муносабатини билан кўп болали, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ Фармон ва қарорлар ижроси қандай ҳал этилган?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 10 декабрдаги «Болали оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш» нанада қўйиштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги қарори билан тасдиқланган «Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, моддий ёрдам таъинлаш ва тўлаш тартиби» тўғрисидаги Низоми ҳамда 1999 йил 7 декабрдаги «2000-2005 йилларда ёлғиз кесалари, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни қўйиштиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарори нақадар ҳаётлиги билан ажралиб туради. Асримиз сўнги йилнинг соғлом авлод йили дега атайилиш бу борадаги ҳуқуқсализмизни тасдиқлади. Вилоят молия, меҳнат ва ижтимоий таъминот бошқармаси, почта ва телекоммуникациялар агентлиги, халқ банки тизимлари, маҳаллий ҳокимиятлар ҳамда ўзини-ўзи бошқариш идораларида ўтказилган текширишлар бу борада муайян ишлар амалга оширилганлигини кўрсатади.

2000 йилнинг фақатгина 1-чорагида кам таъминланган оилаларга бериладиган моддий ёрдам пуллари учун 26,9 миллион сўмлик лимит белгиланган бўлса, шундан 26,2 миллион сўми молиялаштирилган. Фуқаролардан тушган 612та арзанинг 4261 таси вақтида қаноатлантирилиб, уларга 26,7 млн. сўмлик моддий ёрдам пуллари таъинланган.

Йилнинг 1-чораги бадалиди 16 ёшга бўлган 3570 ёрдамга муҳтож оилага 225 млн. сўмлик нафақалар таъинланган. Бироқ, болали оилаларга болалар нафақаларининг тўла-ношлар назорат қилинганда талайгина қонун бузилиши ҳолатлари ҳам йўл қўйилганлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор-

лари талабларига кўра, маҳалла фуқаролари йиғинлари томонидан нафақалар тарқатиш ҳақидаги ведомостларни ҳар ойнинг 5-кунидан кечиктирмай халқ банкига топшириш кўрсатиб ўтилган. Аммо, шаҳар ҳудудидида «Спутник», «Лочин», «Хайт» маҳалла фуқаролари йиғинларида бу қоидаларларга амал қилинмай келинган. «Спутник» маҳалласида 1999 йилда 9 та ҳолатда моддий ёрдам таъинлаш учун асос бўладиган барча ҳужжатлар тўлиқ бўлмаса-да, 38820 сўмлик моддий ёрдам нафақалари таъинланганлиги маълум бўлди. Маҳалла котиби С.Абдуғафоров фуқароларнинг нафақа таъинлаш ҳақидаги аризаларини рўйхатга олишда атайин пайсалга солиш ҳолатлари қайд этилган. Шу каби Ю.Муҳаммадиев, А.Раҳимов, К.Ғуломов сингари маҳалла фуқаролари йиғини раислари бундан буюн қонун бузилишларига йўл қўймаслик ҳақида расман огоҳлантирилди.

Навоий шаҳар халқ банки бўлимининг шахобча хазиначиси М.Муродова «Бинокор» маҳалласида яшовчи фуқаро Н.Халилова, О.Бардашева ва «Лочин» маҳалласида яшовчи фуқаро К.Холбоеваларга нафақа пуллари билан биргаликда мажбурий равишда лотерея билетлари қўшиб сотаётганликлари аниқланиб, бу каби ноқонуний ҳолатларга ўз вақтида чек қўйилди.

— Бахриддин ака, ойлик маошларининг қисман оширилиши муносабати билан савдо дўконларида нарх-навоининг маълум даражада ўсиши кўзга ташланмоқда. Бундай шароитда 8 турда озиқ-овқат ва позоқ-овқат маҳсулотлари таъминоти қандай кечаяпти?

— Ўйлаётганим, савдода юзага келаятган бу ўзгаришлар вақтинча. Кечаятган бозор иқтисодиёти шароитида ҳар нарса ўз баҳосини топиши аниқ. Бироқ, нарх-навоининг бир тўхтамага келишини кутиб туришни ҳам қонун кўтармайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 декабрдаги 604-сонли қарори мамлакатимизнинг «Республикада савдонинг эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ўзқ йиллик, мақсадли йўналишларидан биридир. Вилоят прокуратура органлари томонидан ушбу қарор ижросини таъминлаш мақсадида аниқ режалар белгиланиб олинган. Лекин, беш қўл баробар эмас экан-да, 8 турдаги маҳсулотлар таъминотида қўллаб-қўйиб қонун бузилиши ҳолатлари ҳам учрамоқда.

Жумладан, Навоий шаҳрида жойлашган «Шаҳзод» хусусий фирмаси бош ҳисобчиси Зияш Аялбергенова томонидан фирма дўкониди бўлган жами 67 минг сўмлик шакар Каттақўрғон шаҳрида яшовчи фуқаро Муқаддас Саидовага бериб юборилганлиги ва шакар суммаси назорат касса машинасига урилмаганлиги аниқланиб, З.Аялбергеновага нисбатан шу йилнинг 2 февралда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 189-моддаси 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, тегишли жазага тортилган.

Навоий шаҳридаги «Қизилқум тонги» хусусий фирмасига қарашли бўлган 14-сонли савдо дўкониди текшириш ўтказилганда аҳоли эҳтиёжи учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларидан ун савдо пештахталари ва захирада йўқлиги аниқланган. Шунингдек, «Шўхрат» ва «Насиб» фирмаларига қарашли бўлган савдо дўконларида ҳам ун маҳсулотлари, «Жебатчи» фирмасига қарашли бўлган савдо дўкониди гугурт ва ун, «Баҳмал» фирмасига қарашли бўлган савдо дўкониди эса ун, ўсимлик ёғи, хўжалик совуни, туз ва шакар маҳсулотлари йўқлиги аниқланган. Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Айрим савдо ҳодимларимизнинг эл қўзи ўғнидаги бундай гайри қонуний хатти-ҳаракатлари қонуний тарзда чек қўйилмоқда.

Мустақиллик пойдеворини янада мустақамлаш учун она — юрти жон-дигдан севининг ўзи камлик қилади. Энг аввало, фарзандларимизни барқарор, ватанига, халқига, миллатига фидойи, изланувчан бўлиб тарбия олишларини жуда-жуда истардим. Чунки, эртанги кунимиз оғ маҳсули бўлган таълим - тарбия ва унинг ривожига боғлиқ.

Мустақиллик — бу миллат орузси, ўз ривожланиш йўлини танлаш ҳуқуқи. Мустақиллик бу орзулар рўёби. Бундай ҳаётда яшаш ва ишлаш насиб этган ҳар бир юртдошамизнинг барча яхши ниятлари амалга ошишига тилақдошман.

Сухбатдош :
Мансур АЛОВУДДИНОВ,
«Хукук» мухбири

БОШЛИҚНИНГ НАЙРАНГИ

Тушида ўзи яшаб турган уй томи ўпирилиб тушганидан кўнгли гаш ҳолда сесканиб, анча эрта ўйгонган Эсонбой секим ўрнидан туриб ташқарига чиқади. Қараса, ҳали тонг ёришмаган. Ҳовлида у ёқдан-бу ёққа юриб кўрган тушининг тафсилотини тагин бир марта кўз олдига келтиради. «Ие, тўппа-тузук турган уй томи ҳам бирпасда ўпирилиб тушарканми? Бу нимадан дарак берса экан?» - деб ўзича бўлиб ўтган воқеаларни эслаб бошлади.

Бундан бир ҳафтагача олдин Кармана тумани коммунал фойдаланиш бўлими бошлиғи Эсонбой Қодиров хизмат машиналари техникаси сақланадиган автосаройнинг бир қисмини буздиришга буйруқ бериб, ишчи-хизматчилар ёрдамида бу ишни саранжомлаб қўйганди. Ҳали асқотадиган қурилиш материалларини қўздан нарироқ бўлсин, деб ичкарироққа жойлаштирганди. Уч-тўрт кун ўтиб, бузилган жой майдони текислаб бўлинган, иш туғаси олдидан бошлиқ тракторчи Ю.Султоновнинг олдига чақиртирди:

— Йўлдошбой, ўша йиғиштириб қўйилган тўсин ва тахталарни қоронги тушиши билан укамнинг уйига олиб бориб ташлайсан, -

деди Эсонбой ишнинг охир-оқибатини ҳам уйламай, — фақат ҳеч ким кўрмаслиги керак. Аслида бу чирик чўплар ҳеч кимга керак ҳам эмас.

Аммо, бошлиқ айтган бу «эски» қурилиш материаллари ҳали яроқли эди.

Тракторчи бошлиқнинг буйруғини бажарди. Жами қиймати 13570 сўмлик тахта - чўплар бошлиқнинг ўқиси яшайдиган уйга олиб борилди. Қўп ўтмасдан ўз мансаб мавқеидан фойдаланиб, жамоа мулкни талон-тарож қилган Эсонбой Қодировнинг кирдиқорлари маълум бўлиб қолди. Текшир-текшир, тергов ҳаракатларидан кейин иш судга оширилди. Гараз ният бошлиқни обрўсидан туширди, унга қонуний жазо таъинланди ва мол-мулкни давлат фойдасига мусодара қилинди.

Нафс жазавасига ўйнаб, қингир ишга қўл борган, натижада эл орасида юзи шувуvt бўлган бошлиқ кирдиқори қолганларга ҳам сабоқ бўлса ажаб эмас.

Маҳмажон УМАРОВ,
Кармана тумани прокурори,
адлия кичик маслаҳатчиси



Навоий шаҳри айниқса мустақиллик йилларида кўркам ва обод бўлиб бормоқда.

ПРОКУРОР ОГОҲАНТИРАДИ



ТЎҒАНОҚ БЎЛМАНГ

Деҳқон-фермер хўжаликлари ва тадбиркорларнинг сарсон-саргардончилигининг олдини олиш, идорама-идора юриб қимматли вақтларини беҳуда сарфламасликларининг олдини олиш мақсадида туман марказида «Тадбиркорлар Маркази» тузилди. Бугунги кунда 135 дан ортиқ фермер хўжаликлари, 150 та тадбиркорлар мана шу бинога келишиб, ўзларига дахлдор қатор муаммоларни бир вақтинч қўзда ҳал қилиб кетмоқдалар.

Кейинги йилларда тадбиркор ва фермерлар ўзларининг касб моҳиятларини қўқуқроқ аниқлаб етаётганликлари, мажбур муаммолари ҳақида тортинмасдан келиб хабар бераётганлари улар онгидида тўб ўзгаришлар белгисидир.

Туман прокуратурасига «Сарсон» фермер хўжалиги раҳбари С.Алимбаев мурожаат қилиб, қишлоқ хўжалик техникаси учун Қизилтепа Нефтьбазасига қарашли ёниги қўйиш шаҳобчасидан дизел ёнилгиси ололмаётганлигини маълум қилди.

Прокуратура аралашувидан сўнг фермер хўжалиги тезда тегишли дизел ёнилгисини олишга муваффақ бўлди.

Бундан ташқари, тадбиркор Ю.Муродов Навоий шаҳар «Заминбанк»-идан 780 минг сўмлик кредитини ололмаётганлиги ҳақида мурожаат қилган эди. Қисқа кўнларда бу муаммо ҳам туман прокуратураси томонидан ижобий ҳал қилиб берилди.

Афсус билан айтишим мумкинки, давр ўртага ташлаётган муаммоларини кўра-била туриб, четдан томошабин бўлаётган, ўзларини эса фидойи қилиб кўрсатишга уринаётган

шахсларни ҳатто масъул вазифаларда ишловчилар орасида ҳам учратиш мумкин.

«Пахтабанк»нинг Конимех туман бўлимида ўтказилган текширишда тадбиркорлар Л.Есжанов ва Ш.Баймуротовларга банк билан тадбиркорлар ўртасида кредит шартномаси тузилган бўлса-да, банк ҳодимлари томонидан ажратилган 900 минг сўмлик кредит асоссиз равишда берилмаётганлиги аниқланди. Хўш бу каби пайсалга солишларнинг боиси нимада? Ахир ажратма маблағлар «Пахтабанк» мутасадди раҳбарларининг чўнтагидан берилаётгани йўқ-ку!

Бундай сансалорликларни туман молия бўлими фаолиятида ҳам учратиш мумкин. «Саман» фирмаси раҳбари Т.Ильясоевнинг туман прокуратурасига қилган мурожаати асосида ўтказилган текширишлар бу тўғридаги шубҳаларимизга қатъият асаяди. Негаки, туман молия бўлими бажарилган қурилиш ишлари учун тўлашнинг лозим бўлган 210 минг сўм маблағни прокуратура аралашувидан сўнг тез орада қўчириб бера қолди-ку!

Бугунги кунда ҳалол меҳнат қилишлик жамиятининг энг зарур яшаш шартига айлиниб бормоқда. Буюк аллома Баҳоуддин Нақшбанднинг «Дил Аллоҳда, қўл меҳнатда» нақлига амал қилган фермер ва тадбиркорларимиз раванқини ўз қўллари, пешона тери билан яратишга интилоқдалар. Улар ишига тўғаноқ бўлишга эса ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Муродилла ҚАҲҚОРОВ,
Конимех туман прокурори,
1-даражали юрист

МУЛОҲАЗА

Инсоннинг инсон эканлигини белгилувчи омиллардан бири шак-шубҳасиз унинг тозалик, ободонликка онгли равишдаги муносабатида акс этади. Хар қандай давлатнинг нуфузини, цивилизация даражасининг меzonларини ҳам тақдор ва тақдор аҳолининг санитария маданиятига қараб белгиласа бўлади.

Аслида ҳам шундай. Фарбий Европадаги Англия, Франция, Германия каби қатор давлатлар аҳолисининг санитария маданияти тўғрисида гап кетганда барчамиз ўз ҳавасимизни билдирамиз. Бу давлатларда бундай муваффақият учун юз йиллар давомида замин тайёрланганлигини, меҳнат ва курашлар туфайли шу даражага етишганликларини бугун барчамиз ҳам билавермаймиз. Аҳолининг санитария маданиятини кўтариш вақт талаб этадиган жараён эканлигини бугун тўққиз йил ўтгандан кейин чуқуროқ англаб етдик. Муваффақиятимизнинг илк йилларидаёқ «Давлат санитария назорати тўғрисида» (1992 йил) қонун қабул қилинган, ҳукуматимиз қарорлари билан санитария ва эпидемиянинг олдини олиш қоидалари белгиланган бир шароитда аҳолининг санитария маданиятини юксалтириш зарурати туғилди.

Биз Сирдарё вилояти Санитария ва эпидемия назорати маркази фаолияти билан танишар эканмиз, барчамизнинг санитария маданиятимизни юксалтириш зарурати ҳамон долзарб эканлигига амин бўлдик. Бундай долзарблик, бундай эҳтиёж қайси нуқталарда кўзга ташланадиган?

Энг биринчи навбатда масъулиятда, дейди саволимизга жавобан биз билан суҳбатда Сирдарё вилояти ДСЭН маркази бош врач Абулрахмон ака Эрматов. «Қўшни давлатларда умумий эпидемиология назорати ёмонлашган бир шароитда ҳукуматимиз саъй-ҳаракат билан бизда бунга йўл қўйилмади. Лекин бугун эпидемияга қарши кураш чораларини суъайтиришга ҳеч қандай асос йўқ. Афсуски, жойлар-

да корхона, ташкилот раҳбарлари, ходимлар, аҳоли томонидан масъулиятсизликка йўл қўйиш ҳолатлари учраб турибди. Агар уларда санитария маданияти юқори бўлганда эди, масъулият ҳам шунга яраша бўларди.

Ўтган олти ой мобайнида вилоят СЭН ходимлари томонидан назорат тартибидеда текширишлар ўтказилганда жами 1060 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган. Турли шахсларга нисбатан 3 млн. 246 минг сўм жарима солинган. Келтирилган рақамлар юқоридедаги фикрларимизни исботлайди.

Ёки бошқа мисолларни олайлик. Гулистон шаҳар прокуратурасининг топшириғига биноан «Сузиш» ҳавзаси текширилганда бу ердаги вазият ўта ачинарли эканлиги маълум бўлди. Умумий тозалик-гигиена қоидалари, ободонлаштириш ишлари тўғрисидаги талабларнинг, эпидемиология хавфлилик эҳтимоли мавжудлиги туфайли бу ташкилот ёпиб қўйилди. Масъулиятсизлиги туфайли корхона раҳбари Т.Фишченкога жарима солинди.

Умумий вазиятдан келиб чиқиб Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 147-сонли қарори билан соҳамизга оид чора-тадбирларни қўйиштириш белгилаб берилган эди. Ушбу қарор-

дан сўнг ишларимиз анча юришиб кетди. Лекин муаммолар ҳали ҳам етарлича. Албатта, барча муаммоларнинг бир учи санитария маданиятига келиб тақалса-да, уларни қайд этиш фойдадан ҳоли эмас. Мисол

айрим ҳудудлар аҳолиси тоза ичимлик суви етишмаслиги оқибатида очик сув ҳавзаларидан фойдаланишга мажбур бўлимоқда. Вилоятдаги мавжуд ичимлик суви тармоғидан 917 километрга «Сувоқа-

Ш.Рашидов туманидаги Пахтаобод, Дўстлик, Истиқлол, Бахмал, Х.Олимжон номли ДФХБ даги очик сув ҳавзалари текширилганда 28,6 фоиз сув намуналари улардан фойдаланиш аҳоли соғлиги учун хавфли экан-

САНИТАРИЯ НАЗОРАТИДАН САНИТАРИЯ МАДАНИЯТИГА

ва» ташкилоти ҳисобига ўтказилган. Қолган қисми эса кишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси, ҳўжаликлар ихтиёрида турибди. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил сентябрь ойидаги 378-сонли қарорига биноан барча ичимлик суви тармоқлари «Сувоқава» корхонасига ўтказиб берилиши лозим эди. Лекин мутасадди ташкилотларнинг айби билан бу ишга совуққонлик билан муносабатда бўлинмоқда. Натижада жойлардаги ичимлик суви тармоқлари, чунонки, кишлоқ ҳўжалик корхоналари балансидаги ичимлик суви тармоқлари амалда назоратсиз, таъмирланмасдан ётибди.

Бир қатор туманларни ичимлик суви билан таъминлайдиган Зомин суви тортиш иншоотидан келадиغان сув ҳажми бор-йўғи суткасига 1500-1600 кубометрни ташкил этмоқда. Аҳоли жон бошига бу 4-5 литр ичимлик суви деган гап. Манбадаги суви тортиш иншоотининг 10-12 таси ишлайди, холос. Йўлдаги қувур носозликлари туфайли сувнинг сизиб чиқиши оқибатида босим пасайиб кетган. Натижада бу суви тармоғидан фойдаланувчи Ш.Рашидов, Мехнатобод, Мирзаобод туманлари аҳолисининг бир қисми очик сув ҳавзаларидан фойдаланишга мажбур бўлапти. Мана бир мисол,

лиги маълум бўлди. Ширин шаҳридаги Нуробод маҳалласининг тўрт минг кишили аҳолиси ҳам очик сув ҳавзаларидан фойдаланади. Маҳаллада юздан ортиқ қўлбола қудқ мавжуд бўлиб, бу қудқларда ташиб келтирилган сув оилаб сақланиши мумкин. Маҳалла аҳолиси ташиб келтирилган сувнинг 2 кубометрини 2 минг сўмдан сотиб олишга мажбур. Маҳаллада 1994 йилда юкүмлі вабо касаллиги келиб чиққан бўлса-да, ҳалигача бу ерга ичимлик суви тармоғи тортиб келинмаган. Ҳолбуки, энг узок сув тармоғи 2 километр масофада жойлашган.

Мақола аввалида санитария маданияти тўғрисида ёзган эдик. Мутасадди раҳбарларнинг санитария маданияти уларнинг ишга бўлган муносабатида, масъулиятда акс этади десак муволаф бўлмас. Санитария-эпидемиология назорати тўғрисида қатор қонун, қарор ва норматив ҳужжатларнинг ижросини пайсалга солувчиларни нафақат халқимиз, балки қонун ҳам кечирмайди.

А.МУСТАФОКУЛОВ,
«Хўқук» мухбири

ИЛЛАТ

КИЧКИНА ШАРТ

Ўзбек тилининг изохли лугатидан «порахўрлик» сўзига берилган изохни келтирмасак ҳам, газетхонлар унинг нима эканлигини яхши билмайдилар. Негаки, кишлоқ жамияти мавжуд экан, бу иллат ҳам мавжуддир. Матбуот хабарларига ишонадиган бўлсак, Россияда катта-катта амалдорлар порахўрлиги учун ишдан олинмоқда. Хитойда эса ҳатто қатл қилинмоқда.

Уларни қўя турайлик. Ҳўш, бизнинг жамиятимизда бу иллат аҳолининг сабаби нимада? Шу ўринда улўғ ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан қунлар» романидаги бир лавҳани эътиборингизга ҳавола этмоқчиман:

«...Қўрбоши йиртқиқлардек бўкирди:
— Кечириш йўқ.

Ҳомид учун энг кейинги чорадан бошқа илож йўқ эди — чўнтак қавлашга тутинди ва юз машаққат билан ёнчигини чиқарди. Ёнчикдан ўнга яқин олтинларни саноксизча олиб, қўрбошига узатди:

— Тақсир... Сизга атаган назримиз бор эди...

Ҳомид қавлана бошлаганданқў қўрбошининг устидан совуқ сув сеппилган эди. Ул олтинларни ёнига солиб жойлағач, товуш ҳам эски ҳолига қайтиб, сўзлар ҳам мулоим тортиди:

Ҳомид нима учун пул бергани-ю, қўрбоши нима учун ҳеч иккиланмай олгани ўзингизга маълум. Ушбу лавҳа билан қўйда хикоя қиладиганимиз воқеа ўртастада бир муштараклик бор: хар иккаласида ҳам «олди-берди» жараёни содир бўлади.

Шундай қилиб, Абдуллажон Сайдуллаев Уқўрғон туманидаги «Уқўрғон» жамоа ҳўжалигига ташки бошқарувчи этиб тайинланди. Унинг вазифаси аслида саноцияга тушган ҳўжалик иқтисодини кўтариш, илғорлар сафига олиб киши эди. Бунинг учун эса барча ишларни қонун доирасида қилиш лозим. Аммо қўшни Норин туманида яшовчи Мухторжон Ҳамидов ер сўраб мурожаат қилганида йўқ дёлмади. Негадир унга 4-бўлим ҳудудидан 1 гектар ерни шоли экиш учун шартнома ҳам тузмасдан бериб юборди. Бу 1999 йил апрелда бўлган эди.

Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ўғри» ҳикоясида хонавайрон бўлган Қўйил бобога бой ота ишлаб туриш учун ер бера экан, кичкина шарти борлигини айтган эди. Кузга келиб, 2 тонна ҳосил йиғиштириб олинач маълум бўлдики, М.Ҳамидов А.Сайдуллаевга ё 1 тонна шоли ё 100 000 сўм пул бериши керак экан. Бу пайтга келиб А.Сайдуллаев амалдан тушган эди. Шундан дадилланибми М.Ҳамидов эътироз билдиришга журъат этди:

— Ҳўжайин, қўпроқ сўрамаясизми?

— Майли, 70 000 олиб келақол,— деди А.Сайдуллаев мурувват қилгандек.

«Э, тўхта,— деди М.Ҳамидов ўзига ўзи,— нега унга шола пул беришим керак экан? Амалдан тушган бўлса, қолаверса шартнома тузмаган бўлсак, қўлидан нимаям келарди?»

Шундай ўйлар билан М.Ҳамидов «Ўткан қунлар»даги Ҳомидга ўхшамай, тўғри ички ишлар бўлимига йўл олди.

Бугеи одатдагидек. А.Сайдуллаев М.Ҳамидовдан ўзига қарашли «Жигули» автомашинасида 70 000 сўмини пора тариқасида олганида ички ишлар ходимлари томонидан ушланди. Пулларга кимёвий ишлов берилганидан унинг хабари йўқ эди.

А.Сайдуллаев Наманган вилоят судининг ҳўқмига қўра Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбли деб топилиб, 11 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Олий суднинг жиноят ишлари бўйича судлов хайъати маҳкумининг ҳўқмдан норози бўлиб ёзган кассация шикоятини қаноатлантирмасдан, вилоят суди чиқарган ҳўқмини ўзгаришсиз қолдирди.

Ҳабибулла ТУРҒУНОВ,
Республика прокуратураси судларда
жиноят ишлари қўрилишида прокурор
ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

МУНОСАБАТ

Истиқлолимизнинг 9 йил тараққиёт йўлимизни собитқадамлик билан излаш, миллий давлатчилик пойдеворини қўриш йиллари бўлди. Асрлар силсиласида 9 йил нисбатан жуда қисқа давр. Бирок, бу давр Ўзбекистон фуқароларининг тафаккури, ҳаётга қараш, ақл-идроки ўзгаргани билан тарихда алоҳида из қолдирди.

«ҚОНУНЛАР - КЕЛАЖАК

Ҳўқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишимизда жамиятимизнинг асосий тамойилларини ва давлатимизнинг сиёсий, ижтимоий, ҳўқуқий, иқтисодий тузилмаларини аниқ белгилаб берган қонунлар катта ўрин тутди.

Давлатимиз олдида турган энг муҳим масалалар, аввало, шу юрт фуқароларининг хоҳиш-иродаси билан ҳал этилиши демократиянинг бир қўринишидир. Ўзбекистоннинг жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб берадиган, адолатли ва демократик сайловлар қўйиладиган ўз қонунари борки, улар инсон ҳўқуқларининг, жамият тарққўйиётининг қаноатлари сифатида эътироф этилган.

Буни мамлакатимизда ўтган йилнинг охири ва шу йилнинг бошида ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов ҳамда Президент сайлови ақлларидан ҳам қўришимиз мумкин.

Айрим мафқуравий душманларимиз очик курашга ўтган бир шароитда миллий истиқлол мафқуравини курашчан мафқурага айлантириш зарурати туғилмоқда. Ҳозирги кунда бизни қўйнаётган муаммо баъзи одамларнинг тафаккури нисбатан суът ўзгараётгани билан боғлиқ. Бунинг сабаби собик тоталитар тузум даврида сохта, эски мафқуранинг одамларимиз онгига синг-

дирилганидир. Бундан қўриниб турибдики, фақат илмий асосда қўрилган миллий мафқурагина эски мафқура илдишларини суғуриб ташки олади. Бунинг учун биз муқаддас эътиқодимиздан воз кечмаган ҳолда эртанги кўнимиз эгалари бўлган ёшлар онгига, юрагига ҳар бир қарор тўғрисида олтинга тенг Батани севиш, уни ҳимоя қилиш тўғрисида сингдиришимиз керак.

Шу маънода ўтган йиллардаги тадбирларнинг мантикий давоми сифатида 2000 йилнинг «Соғлом авлод» йили деб эълон қилинган бежиз эмас. Президентимизнинг бөлаларни, ёшларни ўз қаноати остида авайлаб, эҳтиётлаб, ёмон қўзлардан асраб қамолга етказиш ва шу йўл билан мамлакатнинг бахтли келажagini таъминлашда буюк орзуларининг амалий ифодаси бу.

Жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшган улўғ алопома болоболаримиз борлигидан ғурурланамиз. Қадимда ота-болоболаримиздан мерос қолган илм-фан қўққиларини забот этишдек буюк маърифатпарварлик ҳислатларимиз бугунги авлод фаслиятида яна бир қарра намоён бўлмоқда. Фарзандларимиз ҳорижий давлатлар олий қўв ўртларидеда ўқиб, ўзбек халқининг интеллектуал салоҳияти қанчалик юқори эканлигини амалда исботламоқдалар. Бу, албатта, истиқлол меваидидир.

Қонунариимиз ҳам истиқлолга, истиқболга ҳизмат қўлмоқда. Ўтган даврда қабул қилинган қўллаб қўнун-

ДУНЁ, ДУНЁ...

ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИЛМОҚДА

Фалокатга учраган «Курск» сувости атом кемасининг ҳалок бўлган денгизчилари жа-садларини кемадан чиқариб олиш 28-30 сентябрда бошланади, деб маълум қилди, Россия бош вазирининг ўринбосари Илья Клебанов. Унинг айтишича, операцияни уч киши - икки нафар россиялик ва бир нафар норвегиялик фоввосдан иборат команда амалга оширади. Бу операцияни 2-3 ҳафтада нихоятсига етказиш режалаштирилмоқда. Клебановнинг маълум қилишича, «Курск» сувости кемасини денгиз қаъридан кўтариб чиқариш ишлари бир йилдан кейин бошланади.

МИЛИЦИЯ БИЛАН ТЎҚНАШУВ

Швейцария ва Россия терма жамоалари ўйини Цюрихда ўтган бўлса-да, Москвадаги «Динамо» стадионида ноҳус акс садо берди. Матчни стадиондаги телекўзгуда томоша қилиб ўтирган ашаддий ишқибозлар яна «хунар» кўрсатишди.

Улар билан милиция ходимлари ўртасида келиб чиққан муштлашув оқибатида 13 киши жароҳатланди. Муштлашувга эса 30 га яқин футбол фанатларининг ўриндикларини синдириб, тартиб посбонларига қарата отганлик-лари сабаб бўлган.

Шаҳар ИИББ хабарига кўра ҳодиса чоғида 13 киши ушланган. Милиция ходимларига жабр етказган шахслар устидан тезкор тергов ҳаракатлари бошланган.

ҚОЧОҚ МАҲБУСЛАР

Косовонинг Митровице шаҳрида joyлашган, БМТ назоратида бўлган тергов ҳибсхона-сидан ўтган шанба кўни серб миллатига мансуб ўн беш нафар маҳбус қочиб кетди. Қочиш ташаббускори назоратчиға ҳужум қилиб, ундан камера ва чиқш эшикларининг қалитла-рини тортиб олган.

Халқаро полиция қочоқ маҳбусларнинг яқинда 8 йилга озодликдан маҳрум этилган икки нафарининг татишга муваффақ бўлди. Косоводаги БМТ вакилларидан иборат вақтинча маъмуриятнинг ҳабар беришича, қочқинлар орасида албан халқига қарши геноцидда иштирок этган бир неча киши бор.

лар ва ислохий ўзгаришлар, жамиятдаги янгилашни жараёнлари натижасидир. Одамлар тафаккурдаги ўзгаришлар, жамиятда янгича фикрлайдиган кишилар сафи тобора ўсиб бораётганиги адолатли фуқаролик жа-мияти куртаклари сифатида намоён бўлмоқ-

ПОЙДЕВОРИ»

да. Албатта, бундай тарихий ўзгаришлар про-куратура фаолиятида ҳам чуқур из қолдира-пти.

Қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчи-ликка қарши кураш соҳасида ўтган қисқа вақт ичида прокуратура идоралари амалга ошир-ган бекиёш ишлари тўла санаб ўтишнинг имкони йўқ. Энг муҳими, прокуратура тизими ҳам бу даврда тўла шаклланди, унинг фаоли-яти давлат, жамият ва шахс манфаатларига хизмат қилмоқда. Конституция билан ка-фолатланган инсон ва фуқароларимиз ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг бош йўналишиға айланган.

Мақсадимиз инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла ка-фолатланган адолатли демократик давлат барпо этишдир. Бунинг учун энг аввало, қонун-ларға ҳурмат билан қараш ҳар бир кишининг шахсий этиқоидига айлангани шарт. Зеро, ҳеч кимнинг жамият, давлатдан ташқарида ҳаёт кечиришиға имкони бўлмаганидек, қонун-ларсиз яшаши ҳам мумкин эмас.

Шундай экан, кишиларнинг ҳуқуқий мада-нияти ва онгани юксалтириш бўлгани кунда янада муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз-дир. Жамият аъзоларининг ҳуқуқий онги ва маданий савияси юксалиб борган сайин қонун бўлиш ҳоллари шунчалик камайиб боради.

Истиқбол асосларини янада мустаҳкамла-ш, обод Ватанимиз равнақи йўлида фидо-ийлик билан хизмат қилаётган ҳуқуқ-тарти-бо идоралари ходимларини ва барча фуқа-роларни Мустақиллик байрами билан сими-ий муборакбод этаман, истардимки, юрти-миздан тинч-лик, тотувлик, тўқинлик сира аримасин.

К.МАМАТОВ,
Андижон вилоят прокурорининг
ўринбосари

СЎРОҚЛАЙДИ
СИЗНИ ТЕРАКЛАР

(Давоми. Бошланиши 32-сонда)

- У нима, Шухратжон?
- Терак новдаси.
- Акам билан ўтказамиз.
- Ғайратники тез ўсадимки, саники?
- Маники.
- Нима учун?
- Ман ундан тез чоламан-да.

- Опа, қарзга пул бериб турмайсизми? Фоиизга бўлса ҳам майли, - деди у билан молия бўлимида бирга ишлайдиган Нияз деган йигит.

- Қанча? - сўради Нодира.
- Етмиш, саксон мингми...

- Тўғри, машина оламиз, деб пул йигиб юрүвдик, хўжайинимдан сўраб кўрай-чи.

Ҳар кимга яхшилик қилиб ўрганган Нодира Ниязнинг мушқулини осон қилишни истарди. Пул бекорга ҳам туради. Унинг устига саксон минг бир ойда юз минг бўлиб қайтса, ёмонми?! Хўжайинига маслаҳат солди. У бироз иккиланди-ю, сўнг рози бўлди.

Бир кўни у бир йигит билан келди. Исми Кенжа экан. Тилхат ёзишди. Тоҳир акадан бир ой муддатга олдим, йигирма минг қўшиб бераман. Имзо Нияз. Гувоҳ Кенжа.

- Мен бу кишини танимадим-ку, Нияз, бу киши ким бўлади? - сўради Нодира.

- Жияним, аммамининг ўғли, икковимиз келдик. Менга просто телохранитель.

Нияз креслода ўтириб, пуллари санади. Қоғозга ўради. иккаласи чиқиб кетишди.

Орадан бир ой ўтди. Яна ўн кун ўтди. Пулдан дарак йўқ.

Шу кўни Нодира ҳисобот тузиб толиқди. Тушлик қилгани уйига келди. Кичкина ўғли Шухрат мактабдан қайтган экан. Қолган овқат бор эди, бирга еситиб ейишди.

- Шухратжон, ошхонани бир оз йигишти-риб ол. Ман пича дам олай, чарчадим.

- Она, семечкага пул берасизми?

- Бераман.

У апил-тапил ошхонани йигиштириб кел-ди. Онасидан бир дона йигирма бешталикни олиб, ҳамсоёлари ўрис момоникига чопиб кетди. Зум ўтмай, писта қақиб, югуриб келди. Онасига қолган ўн беш сўмни узатди.

- Ха, олиб кўя қол.

- Йўқ, - деди эркали билан бош чайқаб. Мизгибди. Нодира кўзини очди. Деворда-ги осиглик соатга қаради. Икки бўлиб қолиб-ди. Шошилиб юзини ювди-ю, кўчаға чиқди.

Ўғли тўп тегиб юрарди.

- Шухрат, озгина семечка бер.

Югуриб келиб, шимининг орқа чўнтагидан бир ховуч писта олиб, онасининг қафига солди. Жажжи кўлларининг иссиқ тафти она-ға хузуз бахш этди. Кетаркан, беихтиёр орқа-сига бир қаради. Югуриб қайибди. Негар-дир «Худонинг ўзи асрасин-да» деган ўй кўнглидан ўтди.

Ишга келиб, ишни нимадан бошлашни билмай гаранг бўлиб қолди. Уни қўлай деса, қўли бормаиди, бунни қўлай деса, хафсала йўқдай. Қандайдир бошқача бўлиб кетавер-ди.

- Ишим яхши, - ўйлади у, - рўзгоримда тинчлик, бир орузимиз машина эди, уни ҳам, насиб қилса, оларимиз. Ўзи манга нима етиш-майдими?

Соат бешлар бўлиб қолибди. Кетадиган вақт. Инсофсизлик бўлмасин, нима бўлса ҳам бир соат ишласин. Ҳадемай бетоқат Шухрат-жонни кўнгирақ қилади. «Она, яхшимисиз, қачон келасиз?» дейди. Кутди. Телефон жирингла-мади. Кутди. Телефон-гунг. Юраги бардош бермади. Ишини йигиштирди. Ўзи билмас, оёғи югурарди.

Кўчасига бурилганда, одамларга кўзи туш-ди. Ҳамма унинг ўйи олдида қўймалашаяпти. «Шухратжонни мошин-пошин уриб кетдимки-кан ё дархатдан йиқилдимикан?»

- Вой, Нодира она, келаяпсизми? - деди ҳамсоёларидан бири.

Дарвоза очик. Тоҳир чўнкайиб олган, ерга қаради. Милиция қўлларини...

Нодира уйга югурди. «Нима гап?» - деб бақириб юборди. Сумкасини улоқтириб, ич-карига отилди. Болалар хонасига қаради. Шухрат оғзи ерга қапишиб, қонга беланиб ётарди.

- Ғайрат қани?!

Бу томонда, тоғдан тағида Ғайрат чўзил-ган, қонга ботган. Атроф қон...

- Дод!!!

Нодира ўзини ура кетди.

- Нодира, ўзингни бос!

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

- Ким қилган?
- Ўша бола бўлса керак.
- Қайси бола?
- Ниёз олиб келган бола.
- Нима?..

Нодиранинг кўз ўнги қоронгулашди. Қал-тираб қолди. Тили орқаға тортилди, тиши тишиға ёпишди. Дўхтир қақиршиди. Зум ўтмай келди. Укол қилди. Бироз ўзига келди. Йиғла-ди. Яна вужуди қисилиб келаверди. Орқаси-дан гўё бироз қаттиқ тортгандай бўларди.

Болалари ҳали ўлмагандай, ишонгиси кел-маиди.

- Дўхтирга олиб борингла, - зорланади Нодира, - жонини сақлаб қолинггла, мусул-монла!

Хушидан кетади. Юзига сув сепишади. Ўзига келади.

- Вой, мани кўйворингла, ман яшайман.

Кўтариб уйга олиб киришади.

- Кўйворингла, ман ўзимни ўлдираман! Ташқарига талпинади. Ушлаб қолишади. Икки опаси зор қақшаб, зўрға ўтқазишади.

Уйку дори укол қилишади. Таъсир қилмай-ди. Тоҳир қарахт. Болаларнинг бу аҳволда ётишини у биринчи кўрган. Кўргану қотиб қолган. Нима қиларини билмайди.

Бу тилхатни ўғирлаб кетиш ниятида келган Кенжанинг иши эканлиги фош қилинди. У гулда гувоҳларни йўқотмокчи бўлган. Шу сабабли, неча йиллар пинҳон қолган аввалги жиноят ҳам қилни қирқ ёрадиган, касбига садокатли терговчилар томонидан очиб таш-ланди. Жазо муқаррарлиги тамойили қолиб келди.

Болалари тушиға кираверади. Худди ти-



Ман ўзимни ўлдиришим керак. Ман қандай яшашим мумкин. Ман кимга ёмонлик қил-дим?

- Пешонангда бор экан, - дейди кимдир.

- Худо раҳм қилса бўлмайдимми?

У ўзини ерга отади. Ерни тирнайди, тир-ноқлари қонаб тирнайди. У-у-у...

рикдай. Боғчада юрган эмиш. Чиройли ки-йимда. Шўх-шўх ўйнашармиш. Оналарнинг бағрига чопишармиш. Гоҳ уларнинг сумкаси-ни елкасига илдириб, мактабга шошганини кўради. Ўша-ўша болалари. Нечун катта бўлмайди улар.

- Она, бу томонла жудаям яхши, - дермиш.

ХОТИМА

Ҳовлида уч терак буй чўзган. Кузак шамолларига оҳиста ниманидир пичирлашади. Гўё фарзандлари доғида қўйган Нодира ва Тоҳирға озор бериб қўйишдан кўрқишади.

Ғайратжон ва Шухратжонлар бўлганларида уларға термулиб, завоқлашмасмиди. Қўнаб, айланиб, силашмасмиди. Қўлашиб, ўйнашиб, панасига яширинишмасмиди. Осилиб, чиқиб кетишмасмиди тегаларига. Офтоб кўйдиранидада остига сув қўйишмасмиди. Соясида ўйнаш-масмиди. Ахир тирхк бўлганларида...

- Фарзандларим ўтказган теракларни кўпайтирмоқчиман, - дейди Тоҳир. - Улар ўнгла бўлар, юзгла бўлар, мингла бўлар, туман бўлар, неча иморат томини ёпар, неча айвонга устун бўлар, кўрк бағишлар қай бир қононага, аммо Ғайрат ва Шухратларнинг ўрнини босармикан?

Буллар Ғайрат ва Шухратнинг тераклар. Қайгули, қоронгу кўнглининг бир бурчида митти нур миттирайди. Нечунким, бир умр, юзга кирса ҳам бир ниҳол ўтқазмаганлар бўлади. Дунёда саккиз-ўн йилгина яшаб, ўзидан из қолдирган болажонлар-эй.

Куз офтоби чарақлайди. Ногоҳ совуқ еللар эсиб қолади. Тераклар маъносина шиврайлади.

Орадан вақт ўтиб, яна фарзанд кўришди. Умида дея ном қўйишди. Ширингина қизалоқ. Яқинда яна бир хабар эшитдим, ўғли бўлишибди. Исмини Исмоилжон қўйишибди. Худо умри билан берган бўлсин.

Қариндош ҳам, ака-ука, опа-сингил ҳам ўз йўлида экан. Ҳаммаси ўз рўзгорим, дер экан. Оғир кўнларида Нодира билан Тоҳир бир-бирларига суянг бўлишди, бир-бирига мадад беришди. Бириси тушакка ётиб қолса, бириси яради, бирисининг боши ётқиқ тексудек бўлса, бириси елди-югурди, қандай бўлмасин маҳкам излади, меҳрли кўнглини, ширин жонини шифо айледи.

Нодира сўзларкан, Тоҳир тоқат қилолмайди. Аста чиқиб кетади.

- Хўжайинимни қаттиқ хурмат қиламан. Уларнинг ўрнини ҳеч ким босолмайди. Ҳамма дарди ичида. Кечалари инграб чиқадилар. Аммо манга гапирмайдилар. Эслатиб, бағримни эззилари келмайди.

Нодира билан суҳбат қурганимиз анча вақтлар бўлди. Қаламга олишга журғат этолмай юрардим.

Нодира, Тоҳир, сиздан яна бир бор узр сўрайман. Майли, йиғлаб олинг, бироз йиғланг. Кўнглингиз енгил тортар. Езганларимиз сизга оғу эмас, маҳкам бўлсин. Мен ҳам кўзда ёш билан икки фожеега сўнги нуқтани қўяман.

Довуд МАХДИЙ

СПОРТ

ЕВРОПА БОШЛАБ БЕРДИ

Кўпчилик спорт мухлисларининг диққат-эътибори Сиднейда бошлана-жак олимпиада уйинларига қаратилган шу кунларда Европа томонларда байрам кайфияти ҳукмрон. Кўна китъада 2002 йили Япония ва Кореяда ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати саралаш уйинларига старт берилди. Натижалар билан танишимиз:

Швейцария - Россия - 0:1, Андорра - Кипр - 2:3, Голландия - Ирландия - 2:2, Шимолий Ирландия - Мальта - 1:0, Балгария - Чехия - 0:1, Исландия - Дания - 1:2, Озарбойжон - Швеция - 0:1, Туркия - Малдова - 2:0, Белорусь - Уэльс - 2:1, Норвегия - Арманистон - 0:0, Украина - Польша - 1:3, Латвия - Шотландия - 0:1, Бельгия - Хорватия - 0:0, Югославия - Испания - 1:2.

Ўзбекистонлик мухлислар учун Россия, Белорусь жамоаларининг ғалабаси қувончли бўлса, Озарбойжон ва Украина жамоаларининг мағлубияти кўнгилларга андак хижиллик солди. Нима ҳам дердик, асосий уйинлар ҳали олдинда. Ўзбекистон термиси саралаш уйинларига киришгунга қадар бировлар учун суюниб, куйиниб тураверамиз.

«ДЎСТЛИК» ҲАМОН ОЛДИНДА

Мустақиллик байрами арафасида мамлакат футбол чемпионатининг олий табақасида 26-тур уйинлари ўтказилди.

Бу турда чемпионликка асосий давogarлардан бири «Нефтчи сафарда қимматли уч очкони кўлга киритди. Лекин «Сурхон»ни мағлубиятга учратиш «Нефтчи»га осон бўлмади. Ҳисоб - 3:2. Ушбу турда «Пахтакор»нинг ғалабасини алоҳида қайд этиш мумкин. Биринчи даворада «Темирйўлчи»дан 1:2 ҳисобида енгилган пахтакорчилар бу сафар меҳмонлардан яққол устунлик қилишди. «Темирйўлчи» дарвозасига 7 марта тўп киритилганлиги ҳам шундан шохидлик беради. Қўнлик футболчилар бунга бир тўп билан жавоб қайтаришди, холос.

Қолган уйинларнинг натижалари қуйидагича: «Насаф» - «Андижон» - 5:1, «Металлург» - «Қизилқум» - 0:0, «Трактор» - «Бухоро» 5:1, «Сўғдиёна» - «Зарафшон» - 3:2, «Семурғ» - «Навбахор» - 2:3, «Хоразм» - «Кимёгар» - 0:2

Туркменистон сафаридан қайтиб келган «Самарқанд - Д» Жиззахда «Сўғдиёна»ни 6:3 ҳисобида мағлуб этди.

Осиё мамлакатлари кубок эгалари кубоги уйинларида иштирок этаётган «Самарқанд-Д» жамоаси дастлабки учрашуви сафарда - Туркменистоннинг «Небети» жамоаси билан ўтказди. Уйин 4:3 ҳисобида майдон эгалари фойдасига ҳал бўлди. Самарқандчилар жавоб учрашувини 8 сентябрда ўз майдонида ўтказишади.

МУСОБАҚА ЖАДВАЛИ

	Ю	Д	М	Т	О
1. «Дўстлик»	19	3	2	63:27	60
2. «Насаф»	17	7	2	58:30	58
3. «Самарқанд-Д»	18	1	6	69:23	55
4. «Нефтчи»	16	6	4	52:27	54
5. «Навбахор»	14	7	5	61:31	49
6. «Бухоро»	12	4	10	37:38	40
7. «Пахтакор»	11	6	9	45:39	39
8. «Андижон»	10	8	8	51:38	38
9. «Сурхон»	11	5	10	48:45	38
10. «Семурғ»	10	7	9	44:41	37
11. «Трактор»	10	3	13	39:37	33
12. «Металлург»	8	7	11	26:39	31
13. «Қизилқум»	7	9	10	27:37	30
14. «Сўғдиёна»	7	5	14	32:50	26
15. «Зарафшон»	6	7	13	22:50	25
16. «Гулистон»	7	3	15	29:44	24
17. «Кимёгар»	5	7	14	25:45	22
18. «Темирйўлчи»	5	5	16	37:65	20
19. «Хоразм»	4	6	15	22:43	18
20. «Турон»	4	6	15	23:54	18

СИДНЕЙ ЧОРЛАМОҚДА

Мана, Сиднейда бошланадиган XXVII ёзги олимпиада уйинларига 9 кун қолди. Ўзбекистон олимпиячилари ҳам Сидней майдонларида юксак чўққиларни кўзламоқдалар.

Олимпиаданинг очилиш маросими 15 сентябрь кuni бўлиб ўтади. Эртасига боксчилар, дзюдочилар, мерганлар, сузувчилар медаллар учун баҳсга киришадилар.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

- Аллақандай кўппак учун беш минг лира сўрайсизми? Яна кўзига бир бало бўлган - қаранг, нуқул кўзини пирпиратадими-ей?

- Э, у жуда ҳам арзон сотиб юборма, деб менга ишора қилипти...

- Айланувчи, сиз кўшни аёлини сизгир дебсиз.

Шундайми?
- Йўқ, таксир, мен унинг кизига «сен бузоқсан» дедим, холос.

Хаммомда ўтил мочалка билан отасининг орқасини ишқалапти:

- Вой! Мана, майка кўриниб қолди. Сиз бўлсангиз уни ўғирлаб ке-

тишди дегандингиз...

Эшик жиринглайди. Уй эгаси эшикни очмай:

- Ким у?
- Марҳамат, бир-икки сўм худо йўлга...

- Яхши, яхши эшикнинг тагидан узата қўлинг.

Бир эркак врачга мурожаат қилибди:

- Пан доктор, сочим тўкилиб кетаяпти. Уларни сақлаб қолишим учун менга бирор нарса беролмасизми?

- Нима берсам экан-а? Майли, манави қутичани олақолинг.

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ
ЧОРЛАЙДИ

Пойтахтнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 18- мактаб ўқувчилари янги ўқув йилини шоду хуррамлик билан бошладилар.


М. НУРИНБОЕВ сурати.

ТЕЛЕ-АНОНС

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси «Қонун ҳимоясида» журнали ва «Ҳуқуқ» газетаси бирлашган тахририяти қошида ташкил этилган телегуруҳнинг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатувда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг тўққиз йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Фармоннинг аҳамияти ва бу борада қилиниши лозим бўлган галдаги вазифалар ҳусусида сўз юритилади.

Кўрсатув 11 сентябрь кuni ЎзТВ 1 кечки дастурларида намоиш этилади.

КРОССВОРД



ЭНИГА: 1. Фойдали қазилма. 3. Шеъринг вазн. 5. Қимматбаҳо металл. 8. Республикамизда ишлаб чиқариладиган сигарет номи. 10. Ж.Кэмероннинг машҳур фильми. 12. Хош-истак. 13. Парранда. 14. Учқун. 15. Азиз неъмат. 18. Давр, вақтни ҳисоблаш тури. 20. Африкадаги давлат. 23. Инсон руҳини чиниқтиришнинг шарқда кенг тарқалган усули. 24. Ер шарининг энг жанубий қутби. 26. Хорижлик, муҳожир киши. 28. Хитойнинг қадимий номи. 31. Букри тўғирланадиган жой. 34. Қуёш. 35. Ҳашорат. 36. Америкача узунлик ўлчови. 37. Жанговор машина. 38. О.Юнусов бош ролни ижро этган спектакль. 39. Германиядаги шаҳар.

БЎЙИГА: 1. Тропик мева. 2. Тез учар машина. 3. Дўст, қардош. 4. Само жисми. 6. Ҳарбий бўлинма. 7. Ер юзининг энг совуқ, мангу музликлар ястаниб ётган жойи. 9. Республикамиздаги вилоят. 10. Ипак ва пахтадан олинадиган қимматбаҳо хомашё. 11. Ҳўл мева. 16. Ҳарбийлар бош кийими. 19. Учинчи ҳокимият. 21. Қўшиқнинг энг юқори пардаси. 22. Насронийларнинг муқаддас китоби. 25. Сузиб юрвчи музтоғ. 27. Фарғона шевасида шоти, адабий тилда... 29. Ҳўнч, ялиниш. 30. Эрондаги шаҳар. 32. Зулм, ситам. 33. Машҳур теннисчи ҳаюртимиз (исми). 34. Дунё.

ГАЗЕТАМИЗНИНГ 32 - СОНИДА БЕРИЛГАН КРОССВОРД ЖАВОБЛАРИ

ЭНИГА: 1. «Тараққий». 4. Тиллақош. 7. Насаб. 9. Идора. 10. Оксос. 14. Истиклол. 15. Искандар. 20. Илтимос. 21. Бонорас. 22. Мурод. 24. Ақид. 27. Арава. 29. Наманган. 30. Марокана.

БЎЙИГА: 1. Тананс. 2. Ака. 3. Йод. 4. Тур. 5. Арк. 6. Шастри. 8. Сатр. 11. Сада. 12. Олимхон. 13. Икромов. 16. Хирмон. 17. Атир. 18. Ўрда. 19. Остана. 23. Она. 25. Қон. 28. Рақ.